1 МАЙ ШАРАФИГА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН, ВАТАНИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МУДОФАА ҚУДРАТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН АКТИВ КУРАШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 17 апрель 1973 йил, сешанба ◆ № 90. (15.564). ● Баҳоси 2 тийин.

• ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ

АПРЕЛЬ

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҚУНДАЛИГИ •

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ЧАҚИРИҚЛАРИ

Жаҳон меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни бўсағасида улуғ Ленин туғган ва вояга етказган, ҳалқи равишда давримизнинг шон-шарафи, виждони, номуси деган номга сазовор бўлган Коммунистик партиямизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил 1 Май Чақириқлари эълон қилинди. Коммунизм бинокори бўлган улуғ совет халқининг беш йиллик топшириқларини бажариш йўлидаги қаҳрамонона ишига юксак баҳо, ҳал қилувчи йил вазифаларини муваффақиятли адо этишга жанговар йўл-йўриқ берилган бу Чақириқлар ҳар бир совет кишисининг қалбидан чуқур жой олиб, унда жонажон Ватанимиз, буюк ленинчи партиямиз ва Совет ҳукуматимиз билан чексиз фахрланиш хис-туйғусини жўш урдириб юборди.

Кўп миллатли мамлакатимизнинг шонли ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва меҳнаткаш зиёлилари илҳомбахш Чақириқлардаги қуйидаги сўзларни баралла такрорлайдилар:

— ЯШАСИН АБАДИЙ БАРҲАЁТ РЕВОЛЮЦИОН ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАЪЛИМОТ, БАРЧА МАМЛАКАТЛАР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ, СОЦИАЛИЗМ ВА КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ УЧУН КУРАШ БАЙРОҒИ — МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ!

Зотан бу таълимот, марксизм-ленинизм таълимоти жаҳонни революцион қайта қуриш йўлини тарихда биринчи бўлиб кўрсатиб берди. Ҳудди шу таълимот инсоннинг тарихида янги даврни, эркин, озод, ҳур инсонлар жамиятини қуриш даврини бошлаб берган улуғ Октябрь ғалабасини таъминлади, дунёнинг дастлаб олтидан бир қисмида, сўнгра эса Осиё, Европа қитъаларида, ҳатто жаҳон империализми таянчи бўлган Америка Қўшма Штатлари жойлашган қитъа бўйнинда ҳам социалистик давлатларнинг юзага келишини таъминлади.

Шу айём арафасида бутун совет кишилари бир тан, бир жон бўлиб Чақириқлардаги ушбу қалб сўзлари билан социализм мамлакатларининг меҳнаткашларига мурожаат қилмоқдалар:

— СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ ХАЛҚЛАРИГА ҚАРДОШЛИК САЛОМИ! ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ, АНТИИМПЕРИАЛИСТИК КУРАШДАГИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ, ТИНЧЛИК, ДЕМОКРАТИК ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ БЎЛГАН ЖАҲОН СОЦИАЛИЗМ СИСТЕМАСИ РИВОЖЛАНИБ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

Йигирманчи асрнинг етмишинчи йиллари жаҳонда буюк ўзгаришлар билан характерланадиган босқич бўлиб тарихда қолади. Эндликда бир ҳовуч империалистлар жаҳонни ўз измларига бўйсундирса оладиган даврсирадан қайтарилмас бўлиб ўрқада қолиб кетди. Жаҳон тақдирини буюк революцион куч — жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар ҳаракати, халқларнинг милляй ва социал озодлиги учун курашчиларнинг қудратли иттифоқи ҳал этмоқда.

Жаҳон тараққиётининг бутун жараёни КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан тинчлик программаси оғишмай амалга оширилаётганлигидан далолат бериб турибди. Бу йўл мамлакатимизда коммунистик қурилиш учун қулай ташқи шароит бўлишини таъминлаб, жаҳон социалистик ҳамдўстлигини мустаҳкамламоқда, ишчилар ҳаракати ва миллий-озодлик ҳаракатига бебаҳо ёрдам бермоқда. Айни пайтда капитал мамлакатларининг меҳнаткашлари ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари учун мардонавор кураш олиб бораётирларки, биз уларнинг бу адолатли курашида чин кўнгилдан муваффақиятлар тилаймиз.

Партиямизнинг жанговар Чақириқларида бутун совет халқи, ишчилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар, совет халқ зиёлилари коммунистик қурилишнинг улуғвор ишларини рўёбга чиқаришда янгидан-янги зафарларга эришишга даъват этилади. Бу сўзлар ҳар бир совет кишисини янги яратувчилик ишларига сафарбар этиши шак-шубҳасиздир. Беш йиллликнинг ҳал қилувчи йилини экономикамизнинг ҳамма соҳаларида улкан муваффақиятлар билан якунлаш юзасидан авж олиб кетган умумхалқ социалистик мусобақаси омманинг янгидан-янги ижодий ташаббусини рўёбга чиқармоқда. Бутун мамлакат меҳнат аҳли шу йил 21 апрелда Бутунитттифоқ коммунистик шанбалигига чиқади. Бу кун улуғ Ленин башорат қилиб айтган сўзларнинг, биз коммунистик меҳнат ғалабасига эришамиз деган сўзларнинг рўёбга чиқаётганлигини яна бир бор яқиол намойиш этади.

МЕҲНАТГА КОММУНИСТИК МУНОСАБАТ НАМУНАЛАРИНИ КЎРСАТАЁТГАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Саноатимиз марди майдонлари беш йиллик топшириқларни бажаришда ажойиб меҳнат мўъжизаларини кўрсатмоқдалар. Тошкент тўқимачилари ва Бекобод металлургиари, Бухоро оловкорлари ва Тахиатош гидроиншооти бунёдкорлари, Фарғона кимёгарлари ва Сирдарё нурчилари, Урганч чеварлари ва Қарши чўлқуварлари — хуллас республикамизнинг аҳдига вафодор бутун ишчилар синфи баҳор байрамига муносиб меҳнат совғалари билан келмоқдалар.

Баҳор байрами айёмида партиямиз Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қарата ушбу сўзлар билан мурожаат қилди:

— ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ДАЛАЛАРДА ВА ФЕРМАЛАРДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИНГИЗ! КУКЛАМГИ ДАЛА ИШЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИНГИЗ! БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧИНЧИ ЙИЛИДА МУЛ ҲОСИЛ ОЛИШГА ЭРИШИНГИЗ! ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ҚУНТ БИЛАН КУРАШИНГИЗ!

Дарҳақиқат, қишлоқ меҳнаткашлари улкан синов олдида турибдилар. Бу йил пахтакорларимиз 4 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун ғайрат камарини белга боғлаганлар. Улар илғор тажриба ва фан ютуқларига амал қилиб, ҳар бир қулай кун ва соатдан унумли фойдаланган ҳолда чигит экиш ишларини тобора авж олдирмоқдалар.

Чорвадорларимиз қишловни намунали ўтказиб, қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли якунламоқдалар. Ҳар юз бош сигир ва совлиқдан қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойида олинган маҳбуриятга яраша бузоқ ва қўзи олиш, чорва молларининг бошқа турлари сонини қўпайтириш топшириқларини қўнгилдагидек бажариш учун ҳамма тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Партиямиз Марказий Комитети бутун совет халқини илҳомбахш ишларга даъват этган экан, бу сўзларни ўзининг қалбига жо этган барча совет кишилари, шу жумладан республикамиз меҳнаткашлари Ватан бахт-саодати йўлида билимини, куч-қувватини, маҳоратини жон дили билан сарфлайди, коммунистик идеалларнинг тантанаси йўлида ҳиммат камарини бўшаштирмайди.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛҒА!

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1973 йил 28 апрель шанба дам олиш кунини 30 апрель душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

ПАХТАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРАЙЛИК

(МУТАХАССИСЛАР ВА ОЛИМЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ КОЛЛЕГИЯСИ МАЪҚУЛЛАГАН БУ ТАВСИЯЛАРДА БУ ЙИЛГИ ЧИГИТ ЭКИШ МАВСУМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, УРУҒНИ ТЕЗРОҚ ЭКИБ ОЛИШ ВА ЁШ НИҲОЛЛАРНИ НАМУНАЛИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ).

Республикамиз пахтакорлари беш йиллиннинг ҳал қилувчи — учинчи йилида чигит экишни зўр меҳнат ғайрати кўрсатиб олиб бормоқдалар. Улар қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойида қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларини — пахта хосилдорлигини гектар бошига 28,5 центнерга етказиш ҳамда давлатга 4 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш ҳисти-туйғулари билан тўлиб-тошгандирлар.

Бу йилги экиш даврида тез-тез ёғингарчиликлар бўлиб, тупроқни қотириб қўйяпти. Республикамиз кўпгина областларининг пахтакорлари ана шу қийинчиликларни енгиб, чигит экишни кенг кўламда авж олдириб юбордилар. Наманган, Андижон, Сурхондарё областларининг колхоз ва совхозлари экишни тамомлаш арафасида турибдилар. Айрим участкаларда чигит униб чиқди.

Бироқ, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро областларининг бир қанча районларида экиш суръатлари суст. Республикамизнинг шимолий зонасида ҳамма жойда ҳам шўр ювиш, ерни экиш олдидан ҳайдаш ва тупроқни экишга тайёрлаш ишлари тугаллангани йўқ. Шунинг учун бу ерларда қўшимча тадбирлар белгилаб, чигитнинг мумкин қадар қисқа муддат ичида экиб олинишига эришмоқ зарур.

Пахтакорларнинг шу кунлардаги асосий вазифаси — чигитнинг бир текис қийғос униб чиқишини, ҳар гектар ерда ғўза туплари**нинг нормал қалинликда бўлишини таъминлашдан иборатдир.** Асосий эътиборни чигитнинг сифатли экилишига қаратмоқ керак. Дала четлари, бурчаклари, карта ва участкаларнинг трактор айланадиган жойларига ҳам уруғ тўла-тўкис экиб олинган тақдирдагина чигит экишни нихоясига етказилди, деб ҳисоблаш лозим. Шу кунларда ҳар бир хўжаликда, ҳар бир дала устидан қатъий назорат ўрнатиш талаб этилади. Чигит униб чиқмаган майдонларда мутахассислар тупроқдаги уруғнинг ҳолатини кўздан кечиришлари, уларнинг униб чиқмаётганлиги сабабларини аниқлашлари ва зудлик билан зарур тадбирларни кўришлари керак.

Синоптиклар маълумотига кўра, апрель ойининг қолган кунларида ва май ойининг биринчи ўн кунлигида сел аралаш ёмғирлар тез-тез ёғиб туриши кутилаётир. Бундай шароитда **барча мавжуд механизмлар ва ишчи кучини қатқалоқни юмшатишга сафарбар этмоқ зарур.** Шуни эсда тутиш керакки, қатқалоқнинг ўз вақтида йўқотилиши ва қатор ораларининг юмшатилиши тупроқ аэрациясини кучайтиради, унинг физикавий ҳолатини яхшилайди. Бу, уруғнинг чириб кетишига барҳам беради, чигитнинг соғлом униб чиқиши учун яхши шароит вужудга келтиради. Агар тупроқнинг устки қатлами қуриган бўлса, уруғни ўз вақтида ундириб олиш учун оз миқдорда сув қўйиб, чигит суви бериш мақсадга мувофиқдир.

Ғўза туплари маълум миқдордаги қалинликда бўлмаган майдонларнинг чигит ола кўкарган жойларига яхши ивитилган уруғни намли тупроққа дарҳол экиш лозим. Бунда ҳар бир уяга бешолтитадан уруғ ташлаиади.

Культивациянинг ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказилиши тупроқда намни сақлаб қолади, унинг ҳаво-иссиқлик режимини яхшилайди, шўрхок ерларда эса зararли тузларнинг тупроқнинг ҳайдаладиган қатламига сингиб кетишига йўл қўймайди. Еппасига чигит униб чиққанидан кейин қатор ораларини ишлашни бошлаб юбориш керак. Бунда механизатор қатор ораларини ишлашнинг сифати культиваторнинг иш органларини тўғри танлаш ва жойлаштиришга боғлиқ эканлигини эсда тутиши лозим. Биринчи культивация пайтида тупроқни юмшатиш учун ротацион органлардан (РОРдан) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ғўза тупларига зарар етказмаслик учун бу органларнинг юлдузчалари қаторлар ёнидан 3-5 сантиметр масофада 3-4 сантиметр чуқурликда қилиб ўрнатилади. Қатор оралари 60 сантиметрлик майдонларда кейинги иш органларининг юмшатиш чуқурлиги 6-8 сантиметр, ўртадаги иш органларининги — 12-14 сантиметр, чигит кенг қаторлаб экилган майдонларда эса — 14-16 сантиметр қилиб ўрнатилади. Культивация пайтида ёш ғўзаларнинг кўмилиб қолишига ёки қирқилиб кетишига ва айниқса, тракторлар айланадиган жойларда уларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик даркор.

Яганани ўз вақтида ўтказиш жуда муҳимдир. Ягана кечикиб ўтказилса, ғўза ўсиш ва ривожланишдан кечикади. ҳосилдорлик камаяди. Союзнихи маълумотларига қараганда, ғўзани яганалаш ўз вақтида, (ғўза 1-2 та чинбарг чиқарган пайтда) ўтказилмаса, бу иш лоақал бир ҳафтага кечиктириб юборилса, пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3-5 центнер камайиб кетади. Ғўзанинг нормал қалинликда бўлишини ҳисобга олиб, ҳар бир гектаринг тўла бўлишини, ўсимликнинг ҳар бир қаторда, ҳар бир уяда бир текисда жойлаштирилишини таъминлаш лозим.

Бу йил асосий майдонларга чигитнинг вилтга чидамли «Тошкент» навлари экилаётир. Бу нав чигитлар униб чиққач, қатор оралари 60 сантиметр схемаси асосида экилган майдонларнинг ҳар гектарида 80-90 минг туп, кенг қаторлаб чигит экилган майдонларнинг гектарида 100-110 минг туп кўчат бўлишига эришмоқ зарур. Тупроғи серунум ерларда, шунингдек, ер ости сувлари яқин жойлашган участкаларда ғўза туплари қалинлигини бирмунча камайтириш мумкин. «Голодностепстрой»даги бир қатор хўжаликларнинг тажрибаси гектарларда ғўза тупларининг ҳаддан ташқари қалин бўлиши ҳосилдорликка салбий таъсир этганлигини кўрсатди.

Ингичка толали пахта навлари учун ҳар бир гектар майдонда 110-120 минг туп ниҳол бўлгани маъқул. **Ғўза озиқлантириш талабчан ўсимлик.** Ғўзани барвақт озиқлантириш ёш ниҳолларнинг тез ривожланишига кўп жиҳатдан имкон беради. Баҳорда ерни ҳайдаш олдидан ҳамда чигит экиш билан бир вақтда тавсия қилинган ўғитлар нормаси берилган майдонларнинг ҳар гектарига 120-150 килограммдан аммиакли селитра ёки 80-100 килограммдан мочевина солиш мақсадга мувофиқдир. Қолган майдонларнинг гектарига 180-250 килограммдан суперфосфат бериш зарур.

Бу йил кўпгина колхоз ва совхозлар таркибида 11 процентгача азот ҳамда 45-46 процентгача фосфорга эга бўлган аммофос олмоқдалар. Бу ўғитни ҳар гектар ерга 80-100 килограммдан унга аммиакли селитрадан 80-100 килограммни қўшиб солиш керак. Биринчи озиқлантириш пайтида ўғитлар каторларнинг ён бошидан берилади.

Маълумотларга қараганда, бир қатор дарёларда бу йил сув кам бўлади. Шунинг учун ҳар бир литр сувдан тўғри ва тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак. Биринчи навбатда тупроқдаги нам запаслари ғўзанинг дастлабки давриде нормал ўсиши ва ривожланишини таъмин этмаётган майдонларни суғориш зарур. Ғўза туплари 2-3 тадан чинбарг чиқарган қамқувват енгил тупроқли далаларни, ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларда ғўза 3-5 та чинбарг чиқарганда суғориш мақсадга мувофиқдир. Ер ости сувлари яқин жойлашган ўтлоқ тупроқли ерларда ғўзани кейинроқ суғорса ҳам бўлаверади.

Шуни эсда тутиш керакки, ғўзани барвақт ёки кечикиб суғориш унинг ўсишига ҳамда ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам мутахассислар, хўжаликларнинг бригада бошлиқлари ҳар бир даланинг ва бу йилнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, биринчи суғоришнинг оптимал муддатларини ва суғориш нормасини белгилашлари лозим.

Бу йилги баҳор шароитида қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг (шира, трипс, кўсак қурти ва ҳоказолар) интенсив кўпайиши кутилмоқда. Бу зараркунандалар ёш ниҳолларга катта зарар етказиши ва ғўзаларни ривожланишдан қолдириши мумкин. **Деҳқонларимизнинг вазифаси — ғўзанинг қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан шикастланишига йўл қўймасликдан иборатдир.**

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг уяси аниқланиши биланоқ, зудлик билан экинни кимёвий дорилашга киришиш зарур. Қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ғўзани қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилиш ишини қаттиқ назорат остига олишга даъват этилгандирлар.

Тавсия этилаётган агрокомплекснинг оқилона ва ижодий қўлланилиши баҳорда мураккаб обҳаво шароитида рўй бераётган қийинчиликларни енгиш, ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлаш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида пахтадан мўл ҳосил етиштириш, Ўзбекистон пахтакорлари томонидан беш йиллиннинг ҳал қилувчи — учинчи йилида қабул қилинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга мустаҳкам замин яратади.

Карл Маркс номли колхоз Қува районидагина эмас, Фарғона областида ҳам экономикаси юксалган пешкадам хўжаликлардан ҳисобланади. Колхоз пахтакорлари ўтган йили гектаридан 40 центнердан ошириб хирмон кўтарган бўлсалар, бу йил уларнинг мақсади камида 42 центнердан «оқ олтин» етиштиришдир. Ҳозирги вақтда колхозда чигит экиш тугалланиш арафасида турибди. Суратда: (ўнгда) комсомолёшлар бригадасининг бошлиғи Тоша Мамажонов механизаторлардан Муродил Сотиболдиев, Уктамой Жўраева ва Рўзихон Жалиловалар билан селлка ёнида суҳбатлашаётган пайт.

Г. Бойко фотоси, (ЎзТАГ).

СОВЕТ–МЕКСИКА МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

16 апрелда Кремлда Совет — Мексика музокаралари тугади.

Музокараларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Мексикадаги элчиси Н. К. Тарасов;

Мексика томонидан Мексика Қўшма Штатларининг Президенти Луис Эчеверрия Альварес, ташқи ишлар министри Эмилио О. Рабаси, Мексиканинг СССРдаги элчиси Р. Гонсалес Саласар иштирок этдилар.

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар чогида Совет — Мексика муносабатлари масалалари ҳамда бир қанча халқаро проблемалар юзасидан фойдали фикр алмашинилди, томонларнинг ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстликни ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бўлган интилиши таъкидланди.

Совет — Мексика қўшма ахборотини эълон қилиш тўғрисида келишиб олинди. (ТАСС).

ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида шу йил 16 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — чигит экилган майдон (гектар ҳисобида); учинчи стун — бажарилиш процента, тўртинчи стун — маккажўхори экилган майдон (гектар ҳисобида); бешинчи стун — бажарилиш процента.

Наманган	109717	82,0	11915	74,1
Андижон	150730	81,7	9167	102,1
Сурхондарё	101050	80,1	8831	88,9
Тошкент	103688	74,0	18164	83,9
Сирдарё	169935	73,9	16703	90,0
Фарғона	126706	67,2	13143	56,9
Қашқадарё	55684	51,4	8464	71,3
Бухоро	63279	41,0	10513	62,8
Самарқанд	42237	24,2	9802	50,2
Хоразм	981	0,9	913	7,7
ҚҚ АССР	430	0,4	129	0,7
Республика бўйича:	924437	55,5	107744	60,7

Республикамизнинг илғор сигир соғувчилари ва бош чўпонлари

Мунаввар ИСҲОҚОВА — Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозидан.

Ҳикматой БЕРДИЕВА — Сирдарё районидаги «Малик» совхозидан.

Муҳтарама ҒАФФОРОВА — Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозидан.

Юлдузхон ТОШМАТОВА — Охунбобоев районидаги «Оқ олтин» колхозидан.

Бипошшо БЕРДИЕВА — Ҳазорасп районидаги Жданов номли колхозидан.

Турсуной ИСОҚОВА — Фарғона область «Риштон» совхозидан.

Умринисо АҲМАДАЛИЕВА — Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли колхозидан.

Муҳтарам ИСОЕВА — Қарши районидаги «Коммунизм» колхозидан.

Рўзихон МАМАТҚОСИМОВА — Андижон область «Ойим» совхозидан.

Ҳадичахон ИРИСОВА — Самарқанд область Ильич номли совхозидан.

Рупия ЭРГАШЕВА — Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозидан.

Бу илғор сигир соғувчилар биринчи кварталда ҳар бош сигирдан 758 килограммдан 1355 килограммгача серқаймоқ сут соғиб олиб, социалистик мусобақада пешкадамлик қилмоқдалар.

Авалбек УМАРОВ — Нурота районидаги Меҳнат Қизил байроқ ордени «Нурота» давлат наслчилик заводидан.

Отабой БЕКҚУЛОВ — Деҳконобод районидаги «Ленинизм» колхозидан.

Бурхонбек СУЛТОНБЕКОВ — Фориш районидаги «Қизилқум» совхозидан.

Холмон СУЛТОНОВ — Қарши районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводидан.

Қалабой АБДУРАҲМОНОВ — Томди районидаги «Томди» совхозидан.

Самбой ҚУСМУРОТОВ — Қорақалпоғистон АССРдаги Карл Маркс номли совхозидан.

Мирзаали АЛПОМИСОВ — Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан.

Файзихон ҚУНУСОВ — Нурота районидаги «Қизилча» совхозидан.

Норбой ЭРГАШЕВ — Нурота районидаги «Ғозгон» совхозидан.

Оспон БЕСЕНБОЕВ — Бухоро областидаги «Мингбулоқ» совхозидан.

Раҳмон БОБОХОНОВ — Сурхондарё областидаги «Ўзбекистон» совхозидан.

Мамаднёр ШОСИМОВ — Самарқанд областидаги 1-«Қўшработ» совхозидан.

Бу бош чўпонлар отарида 100 совлиқдан 230 тагача соғлом қўзи олиниб, 120 тагача қўзи ўстиришга қолдирилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҮРТОҚ Г. С. ЗОЛОТУХИННИ СССР ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Григорий Сергеевич **Золотухин** СССР тайёрлаш министри қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил, 13 апрель.

МАКЕДОНИЯ ПОЭЗИЯСИ КУНЛАРИ

Македония поэзияси кунлари қатнашчилари Ўзбекистонда беш кун меҳмон бўлдилар. Шоирлар, адабиётшунослар, журналистлар Тошкент ва Самарқандга бордилар, Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозида бўлдилар. Югославиядан келган меҳмонлар Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ўз қаламкаш ҳамкасблари билан учрашдилар, ижодий режалари билан ўртоқлашдилар, адабиёт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш йўлларини белгилаб олдилар.

Меҳмонлар Совет Иттифоқи бўйлаб сафарларини Ўзбекистонга келишдан бошладилар. Сўнгра улар Волгоград, Ленинград ва Москвага борадилар.

(ЎзТАГ).

Беруний районидаги Беруний номли совхоз ишчилари ўз кучлари билан минг квадрат-метр майдонда теплица хўжалиги барпо қилишмоқда. Суратда: теплица қурилишида.

А. Лихвар фотоси, (ЎзТАГ).

ШОНЛИ САҲИФА

РКП(б) XII СЪЕЗДИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Совет халқи ва бутун прогрессив инсоният СССРнинг шонли 50 йиллик юбилейини муносиб нишонлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг мазкур санага бағишланган тантанали мажлисдаги докладида Коммунистик партиянинг Совет Иттифоқини барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш, ривожланган социалистик жамият қуриш йўлидаги улкан назарий, сиёсий ва ташкилотчилик ишлари атрофлича таҳлил қилиниб, мамлакатимизда яшовчи барча халқлар ва элатларнинг жаҳоншумул тарихий ютуқларига якун ясалиб, истиқболимизнинг аниқ режалари белгилаб берилди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ярим асрлик тарихи қўпгина шонли саҳифаларга бойдир. Шу шонли саҳифалардан бири — 1923 йилнинг 17—25 апрелида бўлиб ўтган ҳамда СССР ташкил этилгандан кейин биринчи марта чақирилган РКП(б)нинг XII съездидир.

Владимир Ильич бетоб бўлганлиги сабаби бу съездда қатнаша олмади. Шундай бўлса-да, у съезднинг ҳақиқий раҳбари ва ғоявий илҳомчиси бўлди.

В. И. Ленининг сўнгги мақолалари ва хатларида баён қилган ғоялари XII съезднинг ишига ва қарорларига асос бўлди. Владимир Ильичнинг кўрсатмаларига амал қилиб, съезд мамлакатимизни социализм томон иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожлантиришнинг кенгайтирилган программасини белгилади.

РКП(б)нинг XII съезди Марказий Комитетнинг ҳисобот докладини, саноат, қишлоқдаги ишлар тўғрисидаги, миллий масала ва бошқа масалаларни муҳокама қилиб, партиямизнинг халқаро ва ички сиёсатдаги катта ютуқларини таъминлаган сиёсий ва ташкилотчилик йўлини маъқуллади.

Съезд халқаро аҳвол соҳасида, йирик империалистик давлатлар томонидан янги ҳарбий ҳужум бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, мамлакат мудофаасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш чорасини кўришни Марказий Комитетга таклиф қилди.

Ички вазият соҳасида шу нарса қайд қилиндики, Коммунистик партия мамлакатимизнинг бутун ишчилар синфи томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги у олиб бораётган сиёсат тўғрилигининг яққол далилидир. Янги иқтисодий сиёсатнинг илк самаралари, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, саноат корхоналарининг янгилана бошлаши, ялпи маҳсулотнинг кўпайиши, ишчилар иш ҳақининг ошиши, ишчиларнинг сиёсий ва хўжалик қурилиши вазифаларига қизиқиши кучайганлиги, касаба союзлар обрўйининг мустаҳкамланиши ҳамда кооперациялар катта-катта ютуқларга эришганлиги — буларнинг ҳаммаси съезд резолюциясида таъкидланганидек, **«Мамлакат хўжалигининг қайтадан тиклана бошлаганлигини кўрсатадиган дастлабки аломатлар кўриниб турибди».**

Троцкий ва шунга ўхшаш баъзи тескаричилар янги иқтисодий сиёсатни фақат орқага чекиниш деб билиб, йирик заводларни чет эл капиталистларига концессияга беришни таклиф қилиб чиқдилар. Съезд уларнинг бу таклифига қатиқ зарба берди. Троцкийнинг деҳқонларни эксплуатация ва хонавайрон қилиш эвазига саноатни ривожлантириш тўғрисидаги бошқа зарарли таклифи ҳам рад этилди.

Съезд «Саноат тўғрисида»ги резолюциясида давлат саноатини, хусусан, оғир саноатни жадаллик билан қайта тиклаш зарурлигини кўрсатди. Оғир саноат билан биргаликда ва унинг негизида енгил саноат ҳам тез ривожлантирилиши лозимлиги қайд қилинди.

Партия саноат қишлоқ хўжалигини юксалтириш билан яқиндан алоқадорликда ривожлантирилиши лозим деб ҳисоблади. Чунки, бу ҳол социалистик давлат негизи бўлган ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлайди. Съезд резолюциясида кўрсатилганидек, **«Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини** зўр эътибор билан ва авайлаб **сақлаш ва ривожлантириш вазифаси** партиянинг энг муҳим ва бутун революция тақдирини белгилаб берувчи **сиёсий** вазифа»сидир.

Съезд чақирилиши олдидан В. И. Ленининг «Робкринни қандай қилиб қайтадан ташкил этишимиз керак» ва «Оз бўлсин-у соз бўлсин» мақолалари чиқди. Бу мақолаларда давлат аппаратини яхшилашга оид кўпгина кўрсатмалар бор эди. Съезд шу кўрсатмаларга амал қилиб, Ишчи-деҳқон инспекциясини Марказий контроль комиссияси билан қўшиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу билан партия, давлат контролининг ишчил сиёсати яратилиб, партия ва халқнинг социализм ғалабаси учун курашида муҳим роль ўйнади.

Съезд қабул қилган бошқа қарорларнинг ҳаммаси партия сафларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга, унинг аъзолари, шунингдек, ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларни кучайтиришга қаратилди. Бу вақтда ёт элементлар партия сафларига суқулиб кириб олишга интилаётганлигини эътиборга олиб, съезд партиянинг социал составини мунтазам равишда яхшилаб бориш, РКП(б) сафларига асосан ишчилар синфи вакилларини, қабул қилиш, пролетар бўлмаган қатламлардан партия сафига қабул қилишни чеклаш вазифасини қўйди. Съезд раҳбар кадрлар танлаш ишларини яхшилаш чораларини кўрди, партия пропагандаси ва агитациясини кучайтириш лозимлигини кўрсатиб, динга қарши агитация ва пропаганда масалалари бўйича, ишчи ва деҳқон хотин-қизлар орасида олиб бориладиган ишлар, РКСМ иши тўғрисида, районлаштириш масалалари бўйича ва бошқа ҳайғанлиги ҳамда миллий тенг ҳуқуқлилик ва ихтиёрийлик асосида барқарор кўп миллатли давлатни барпо этиш йўлини очганлиги алоҳида қайд этилди. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, миллатларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатиш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди.

Съезд делегатлари партиянинг миллий программасини ғайрат билан амалга ошириш учун асосий хавф бўлган буюк давлатчилик шовинизми ва маҳаллий буржуа миллатчилигини тугатиш лозим деб кўрсатдилар.

В. И. Ленин томонидан илгари сурилган ва XII съезд томонидан қабул қилинган илгари эзилган халқларнинг хўжалик ва маданий қолоқлиғини тугатиш, уларнинг амалдаги тенглигини таъминлаш тадбирларининг кенг программаси партия ва совет давлатининг миллий муносабатлар соҳасидаги бутун фаолиятига асос бўлди.

Илгари эзилган халқларнинг иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий тараққиётини жадаллаштириш ленинча йўлини амалга ошириш партиямиздан жуда катта меҳнат, ирода ва революцион қучғайрат талаб қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, **«Ўзининг демократизми билан мақтаниб юрган ҳатто энг ривожланган капиталистик давлатлар ҳам ҳал қилолмаган ва қилолмайдиган ишни бизнинг партиямиз қилиши керак эди».**

Гап шундаки, Октябрь Социалистик революцияси арафасида Россияда яшовчи миллатлар ва элатлар иқтисодий ва маданий тараққиётнинг турли босқичида эдилар. Масалан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўзининг хўжалик тараққиёти жиҳатидан мустамлака мамлакатларига хос бўлган даражада эдилар. Қашшоқлик, зулмат, ёппасига саводсизлик ва бошқа жиҳатлар бу халқларнинг қисмати эди. Жамиятнинг социал структураси феодализмдан иборат бўлиб, бу ерда гап аслида бутун бошлиқ бир иқтисодий формация — капитализмни четлаб, социализмга ўтиш тўғрисида борарди. Закавказье ва бошқа баъзи қўпгина районлар ҳам иқтисодий жиҳатдан қолоқ эди.

Партиямизнинг доно ленинча миллий сиёсати ишчилик билан [illegible] совет Россия ҳар томонлама ва бегараз ёрдам кўрсатганлиги натижасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг илгариги иқтисодий ва маданий қолоқлигига бутунлай хотима бериш вазифаси муваффақиятли амалга оширилди. Мамлакатимиздаги ривожланган районларнинг халқлари ва аввало улуғ рус халқи, унинг ишчилар синфи илгариги қолоқ халқларга ҳар томонлама катта ёрдам кўрсатдилар. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга завод ва фабрикалар қурилиши учун кўплаб асбоб-ускуналар, тажрибали ишчилар, инженерлар, олимлар, хўжалик раҳбарлари, партия ва совет ходимлари юборилди.

СССРнинг барпо этилиши миллий чекка ўлкалар тараққиётида янги босқич бўлди. Бу ўлкаларга ёрдам бериш ишчил ва ҳар томонлама умумиттифоқ хўжалик сиёсати йўли тусини олди. Партия ва совет давлатининг ғамхўрлиги туфайли Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиш суръати Совет Иттифоқининг марказий районларидагига нисбатан тез бўлди.

Миллий масала бўйича Ленин таълимотининг ҳаққонийлиги ва ҳаётбахшлигига бугунги Ўзбекистоннинг қиёфаси яққол мисол бўла олади. Бугунги Ўзбекистон — индустрияси юксак даражада ривожланган, қишлоқ хўжалиги интенсив тараққий этган, илғор социалистик маданиятли республикадир.

Социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида тубли ўзгаришлар рўй берди.

Республикада саноатни барпо этиш ва ривожлантириш юзасидан беқиёс улкан ишлар қилинди. Энергетика, машинасозлик, рангли металлургия, химия, олтин қазиб олиш, самолётсозлик ва шу сингарилар бугунги Ўзбекистоннинг индустриал қиёфасидир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришнинг 100 дан ортиқ тармоғи мавжуд бўлиб, у 1300 йирик корхонани ўз ичига олади. Ярим аср мобайнида саноат маҳсулотлари ҳажми қариб 240 баравар ўсди. Совет Ўзбекистони умумиттифоқ меҳнат тақсимотида муҳим ўрин эгаллайди: СССРнинг ташқи-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашда актив қатнашиб, ўз маҳсулотини жаҳондаги 90 мамлакатга етказиб бермоқда.

Қишлоқ хўжалигининг қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ўзбекистон — мамлакатимизнинг асосий пахта базасидир. Ўтган йили Ўзбекистон пахтакорлари мамлакатимизга 4 миллион 710 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар, ҳар гектар ердан 28,3 центнердан ҳосил олиб, пахтачилик тарихида энг юксак ҳосил олишга эришдилар.

Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси туфайли Ўзбек халқининг фан ва маданияти мисли кўрилмаган даражада равнақ топмоқда. Совет интеллигенциясининг катта отряди шакилланиб, унинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам бутун куч ва ғайратини халқ хизматига бағишламоқда. Совет Ўзбекистони ўзининг маданий тараққиёти даражасига кўра, эндиликда Шарқ мамлакатларинигина эмас, ҳатто Ғарбдаги юксак даражада ривожланган кўпгина капиталистик мамлакатларни ҳам ортда қолдириб кетди.

Ўзбек халқининг маданияти интернационал маданият бўлиб қолди. У СССРда яшовчи бошқа барча қардош халқларнинг маънавий бойликларидан баҳраманд бўлди ва айни вақтда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, ягона совет маданиятини бойитмоқда.

Партия XII съезднинг ленинча йўли ва қарорлари муваффақият билан амалга оширилиши туфайли бутун мамлакатда бўлганидек, республикамизнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида чиндан ҳам буюк ўзгаришлар юз берди. Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоки метиндек мустаҳкамланди, барча халқларнинг дўстлиги, бирдиги чиниқди. Дунёқараши кенг, олижаноб, ватанпарвар, социалистик интернационализм идеалларига содиқ янги кишилар камол топди.

Ҳозирги вақтда ўзбек халқи мамлакатимиздаги бошқа барча қардош халқлар билан биргаликда ўртоқ Л. И. Брежневнинг тантанали юбилей мажлисидаги докладидан илҳомланиб, ўзининг бутун куч-ғайратини беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этишга ва бу билан КПСС XXIV съезди томонидан белгиланган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга қаратмоқда.

РКП(б) XII съезднинг тарихий аҳамияти аввало шундаки, у Ленин партиясига садоқатни, СССРда социализм қуриш ленинча планини амалга оширишга астойдил киришилганлигини намойиш қилди. Ленин йўлининг ва съезд қарорларининг амалга оширилиши туфайли мамлакатимизда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонди. Чуқур социал-сиёсий ўзгаришлар юз бериб, жамиятимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Кишиларнинг янги тарихий бирлиги бўлган совет халқи таркиб топди. Бу — юздан ортиқ миллат ва элатларнинг интернационал бирлигидир. Бу бирликни енгадиган куч дунёда йўқ.

Ж. ҚАЛИМБЕТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ! КУЧ ИШЛАТМАСЛИК ХАЛҚАРО ҲАЁТНИНГ ҚОНУНИ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА, ЯДРО ҚУРОЛИНИ ЭСА АБАДИЙ ТАҚИҚЛАШГА ЭРИШИНГИЗ! ЕППАСИГА ВА БАТАМОМ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН, ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН КУРАШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЗАФАРЛИ ЙЎЛ

БРАТИСЛАВА, 15 апрель. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак Братиславанинг биринчи районидаги партия ташкилоти ҳисобот-сайлов конференциясида сўзлаган нутқида айтдики, Чехословакия Коммунистик партиясининг XIV съездидан бери партиямиз ва жамиятимиз бесиб ўтган йўл Чехословакияда социалистик жамиятни марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари негизида мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг зафарли йўли бўлди. Шундан бери ўтган икки йил ичида жамият турмушининг барча асосий соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Чехословакия коммунистик партиясининг ғоявий, ташкилий бирлигини ва партия ҳаракатларининг бирлигини, партия аъзолари ва ташкилотларининг активлиги юксак даражада эканлигини, Чехословакия Компартияси XIV съезди белгилаб берган сиёсий йўлни ва партия Марказий Комитетини партия аъзолари қўллаб-қувватлаётганликларини қайд қилиб ўтди. Буни, деди Г. Гусак, бошлангич партия ташкилотларида ўтказилган 40 мингтадан кўпроқ ҳисобот-сайлов йиғилишлари яққол кўрсатди. Буржуа пропагандасининг Чехословакия Коммунистик партиясида келишмовчиликлар, турли гуруҳлар бор, деган даъволари шу пропаганданинг кўпдан орзу қилиб келган истаги ва тўқиган уйдирмаларидан бошқа нарса эмас.

Бешинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилида ва 1973 йилнинг биринчи кварталида эришилган натижалар ЧССРнинг иқтисодий сиёсати тўғрилигини ва беш йиллик вазифаларининг реаллигини яққол кўрсатиб турибди, деди Г. Гусак.

Чехословакия барча социалистик мамлакатлар билан ўзининг муносабатларини мустаҳкамлаб, шу билан бирга капиталистик мамлакатлар билан ҳам юзага келган проблемаларни ҳал этишга, улар билан ўзаро муносабатларни яхшилашга интилмоқда. Шу муносабат билан Г. Гусак айтдики, Германия Федератив Республикаси билан «ўзаро мақсадни билиш ниятида олиб борилаётган музокаралар» ниҳоясига етказилди. нуқтаи назарларимиз бир-бирига анчагина яқинлашди. Шу сабабли, деди у, яқин фурсатда ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида музокаралар бошлаш мумкин бўлиб қолади. Бу музокаралар шартнома тузиш, Мюнхен битими проблемасини ҳал қилиш ва Германия Федератив Республикаси билан муносабатларимизни нормаллаштириш билан якунланади, деб умид қилмоқдамиз. Чехословакия социалистик республикаси қўшни Австрия билан ҳам муносабатларни шу таҳлитда бартараф қилишга интилмоқда. Шу муносабатларни бартараф қилишга олиб борадиган йўлнинг бир қисмини босиб ўтдик.

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА

МЕХИКО, 15 апрель. (ТАСС). Президент Л. Эчеверрия бошчилигидаги Мексика ҳукумати илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва янги техника ишлаб чиқаришни ташкил этишни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига қўймоқда. Шундай қилиб мамлакатнинг бу соҳадаги маълум қолоқлигини тугатиш ва саноат соҳасида мамлакатнинг чет мамлакатлар, асосан Америкадан олинадиган станоклар ва ускуналарга қарамлигига чек қўйиш мўлжалланмоқда.

Ўтган қирқ йил ичида Мексикада саноат негизи яратилди. Ҳозир Мексика саноати ялпи миллий маҳсулотнинг қарийб тўртдан бир қисмини бермоқда. Бироқ ҳозирги вақтда Мексика нефть саноатининг ривожланиши чет мамлакатлардан ускуналар ва баъзи бир хил ярим фабрикатлар сотиб олишига деярли бутунлай боғлиқ бўлиб қолган. Мексика чет эллардан техника сотиб олишга ҳар йил анча кўп миқдорда валюта сарфлашга мажбур бўлмоқда.

Янги ҳукумат бу аҳволга чек қўйишга қарор қилди. 1970 йилнинг охирида мамлакатда фан ва техника масалалари билан шуғулланувчи Миллий кенгаш тузилди. Бу Миллий кенгаш илмий-техникавий воситаларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқишни рағбатлантириш, Мексиканинг бошқа мамлакатлар билан, шу жумладан социалистик мамлакатлар билан илмий алоқаларни йўлга қўйиш чораларини кўрмоқда. Узоқ муддатли мана шу мақсадларга эришиш Мексиканинг индустриалаштириш йўлида, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида янги олга томон қадам қўйишига имкон беради.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 16 апрель. (ТАСС). Ҳинд халқи ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этиш учун бутун кучини сарфлайди ва мамлакатда социал-иқтисодий ислоҳотлар йўлидан олга қараб изчиллик билан бораверади, деди Ҳиндистон бош министри Индира Ганди.

Ҳиндистонда ҳукмрон Миллий Конгресс партияси Деҳли бўлими уюштирган икки кунлик сиёсий конференция тамом бўлганидан кейин Деҳлида бўлиб ўтган оммавий митингда Индира Ганди сўзга чиқиб, Ҳиндистон жамиятини тараққиёт йўлидан қайта қуришга ҳалақит беришга уринаётган реакциячиларнинг барча кирдикорларига қарши ҳинд халқи биргалашиб курашмоғи кераклигини таъкидлаб ўтди. Индира Ганди, шунингдек, Ҳиндистон ҳукумати ғалланинг улгуржи савдоси устидан давлат назоратини ўрнатиш программасини тўла бажаришга қатъий аҳд қилганлигини уқтириб ўтди. Ҳар қандай ўнг партиялар ва ташкилотлар бунга ҳалақит беролмайдилар, деб таъкидлади, у.

ТЕҲРОНДА ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ТЕҲРОН. Исфаҳон университетида шарқнинг машҳур қомусчи олими Абу Райҳон ал-Беруний (973—1048) туғилган кунинг 1000 йиллигига бағишланган илмий конференция очилди.

Бир ҳафта давом этадиган конференцияда Эроннинг ҳамма университетларидан келган олимлар иштирок этмоқда. Конференция қатнашчиларининг докладлари асосан ал-Беруний ва Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ўртасидаги ҳозирги вақтда ривожлантиришга қўшган ҳиссасига бағишланган. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми карантин зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш ишлари ва бошқа масалаларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Правда Востока» газетаси редакцияси саноат бўлимининг мудири Яков Изранлович **Нудельман**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

САЙГОН ҚЎШИНЛАРИ КАМБОДЖАГА БОСТИРИБ КИРИШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 апрель. (ТАСС). Сайгон қўшинларининг сараланган қисмлари бронетанк бўлинмалари ҳамда артиллерия мадади билан кеча эрталаб Камбоджа территориясига бостириб кирди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Сайгондан берган хабарида ёзилишича, Пномпендан 220 километр шарқи-шимолда Тинбиен аҳоли пункти районига бостириб кирилган. Сайгон қўшинлари Камбоджа территориясининг бир километр ичкарисига киришга муваффақ бўлганлар. Камбоджа ватанпарвар кучлари билан мамлакатга бостириб кирган Сайгон қўшинлари ўртасида ҳозирги вақтда шиддатли жанглар давом этмоқда.

ПОЛИГРАФЧИЛАР МАҲСУЛОТИ КЎРИГИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон полиграфчилари ўз маҳсулотини «Ўзбекистон» нашриётининг мажлислар залида намойиш қилмоқда.

16 апрелда бу ерда китоблар, суратлар, плакатлар, журналлар ва газеталарни бадиий жиҳатдан яхши безаш ва босиб чиқариш юзасидан республикаларо традицион конкурсга бағишланган виставканинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Конкурс бир неча кун давом этади. (ЎзТАГ).

Москвадаги СССР бадиий академиясининг залларида «Сатира тинчлик учун курашда» деб номланган халқаро кўргазма давом этяпти. Суратда: Борис Ефимовнинг «Шимолий Ирландияни бўй сундиришнинг Британия лойиҳаси» деган карикатураси.

Маданият хабарлари

КЎРГАЗМА КЎРКИ

Шу йил сентябрда хоразмлик улуғ олим ва мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг туғилганига 1000 йил тўлади. Юбилейга республикада хизмат кўрсатган санъат арбоблари Т. Оганесов, В. Фадеев, М. Набиев ва бошқа ҳайкалтарош, чизмакаш ва бадиий расм усталари қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўзбекистонлик ҳайкалтарош ва архитекторлар олимнинг ҳаёт вақтидаги сиймосини яратиш устида ижодий иш олиб бордилар. Берунийга ўрнатиладиган ҳайкал лойиҳасини яратишда бир қанча архитектор авторлар группаси қатнашяпти. Тошкент Архитекторлар уйида монументал санъатнинг ривожланишига ҳисса қўшаётган рассомлар асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмадан Р. Немировский ва В. Клеванцовларнинг Беруний ҳайкали учун чизган лойиҳаси ҳам ўрин олган. У ҳаммага маъқул тушмоқда, кўргазмага кўрк бўлиб турибди.

Олимнинг мармар ҳайкали ўзи туғилиб ўсган, ҳозирда унинг номи билан аталган Беруний шаҳрида қад кўтаради.

КАТТА ҚИЗИҚИШ

Вильнюс шаҳрида Бутуниттифоқ плакатлар кўргазмаси ташкил қилинди. Унда тошкентлик плакатчи-рассомларнинг «Жанговар қалам» ва сиёсий агитация плакатларидан 29 таси намойиш этиляпти. Кўргазма қатнашчилари орасида ўзбекистонлик плакатчилар Ф. Кагаров ва Д. Махотинлар ҳам бор. Рассом-журналист Ф. Кагаров «Сатира тинчлик учун курашда», «Урушни истамаймиз», «Бизга соф осмон керак» ва сионизмни фош этувчи мавзуларда плакатлар яратмоқда.

Йигирма йилдан буён сиёсий ва бошқа актуал темаларда плакат яратиб келаётган Д. Махотин яқинда «Куч-бирликда», «Байроқдорлар», шунингдек коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашига бағишланган плакатларини тайёрлаб бўлди.

О. АПУХТИН.

Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ИЛҒОР ТАЖРИБА

СУРЪАТ ВА СИФАТ

Баҳор кучга тўлиб, далаларда иш қизғин айни кезларда халқ назоратчиларининг ҳам ташвиши кўпайиб кетди. Барча культиваторлар пайкалларга чиқарилганми? Иш унуми, экиш сифати қандай бўляпти? Механизаторларга унумли ишлаш ва яхши ҳордиқ чиқариш учун шароит яратилганми? Халқ контроли органларининг диққат-эътибори ҳозир ана шу муҳим вазифаларга қаратилган.

Район халқ контроли комитети баҳорги дала ишлари бошланишидан аввал группа раислари кенгашини ўтказиб, мавсумда қилинадиган ишлар тўғрисида маслаҳатлашиб олди, тадбирлар тузиб чиқди. Ҳозир ана шу режалар асосида ҳар бир хўжаликда назоратчиларнинг рейд ва текширишлари ўтказилмоқда. Район бўйича қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишнинг бориши ёппасига текширилди. Халқ назоратчилари, механизаторлар, мутахассислар иштирок қилган бу текширишда жиддий камчиликлар аниқланди. Текшириш якунлари район ижроия комитети мажлисида атрофлича муҳокама қилинди, техника емонтини кучайтириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Ильич номли колхоз халқ назоратчилари баҳорги дала ишларини мунтазам кузатиб бормоқдалар. Ерни экишга тайёрлаш, чигит экиш, техникадан унумли фойдаланиш юзасидан рейддар ўтказилмоқда.

«Ленинград» колхози халқ контроли группаси ўз сафида юздан ортиқ назоратчиларни бирлаштирган. Ўтган йили группа хўжаликнинг турли соҳаларида ишнинг боришини текшириш мақсадида 30 марта рейд ўтказган эди. Группа баҳорги экишдан кўз-қулоқ бўлиб турибди. Экиш экипажининг бир аъзоси халқ назоратчиси. Группа аъзолари айни пайтда хўжаликнинг бошқа тармоқларини ҳам диққат билан кузатиб бораётирлар. Хўжалик бу йил давлатга 6800 тонна пахта, 180 тонна гўшт, 1050 тонна сут, 150 центнер пилла сотади. Район халқ контроли комитети группа раиси К. Саидовнинг ҳисоботини эшитиб, колхоз халқ назоратчиларининг фаолиятини қониқарли деб топди.

Райондаги колхоз ва совхозларда чигит экиш суръати ва сифатини мунтазам текшириб бориш мақсадида дозорлар ва вақтинча постлар ташкил қилинди. 79 та халқ контроли группаларининг шу ишга жалб қилинган. Улар баҳорги дала ишларининг графикда белгиланган муддатларда аниқ ва соз бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Б. ЗУҲУРОВ,
Сирдарё район халқ контроли комитетининг раиси.

ДЕҲҚОН ТАШВИШИ

Баҳор бир кунда юз хил товланмоқда. Қуёш «йилт», этиб кўринишидан ишга солиб юборадиган механизатор уч-тўрт гектар ерга чигит экиб улгурмай, ҳавога яна булут ўрмалаб шаррос ёмғир ёғяпти. Деҳқоннинг қўли ишда-ю, кўзи қўкда бўлиб қолди. Ҳамманинг диққат-эътибори уруғни тезроқ ва сифатли қилиб экиб олишга қаратилган. Барча куч ана шу муҳим ишга сафарбар қилинди.

Шундай долзарб кунларда колхоз правленнеси ва партия ташкилоти халқ назоратчилари фаолиятини янада кучайтириш, чигит экиш суръати ва сифатини мунтазам кузатиб бориш, экишнинг графикда белгиланган муддатда бажарилишига эришиш тадбирларини белгилади. Ҳар бир бригадада ва участкада назоратчиларнинг вақтинча постлари ташкил қилинди. Ишдаги суръат ва сифат, экиш экипажининг иш унуми, механизаторларга зарур шароит яратиб бериш 15 та постга бирлашган 129 назоратчининг диққат-эътиборида бўлмоқда. Ҳар бир экиш экипажининг бир аъзоси халқ назоратчисидир.

Халқ контроли группаси бюросининг аъзоси Товаш Шомуродов бошчилигида ерни экишга тайёрлаш аҳволи текширилган эди. Бир қатор бригадаларда механизмлардан унумли фойдаланилмаётгани, енилги вақтида келтирилмагани сабабли тракторлар узоқ вақт тўхтаб қолаётгани, яхши тайёрланмаган ерга чигит экилаётгани каби воқеалар аниқланди.

Колхозимиз аъзолари бу йил пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 37 центнерга етказишга қарор қилганлар. Берилган ваъданинг муваффақиятли уддаланишига халқ назоратчилари ҳам муносиб ҳисса қўшаётирлар.

К. БОЗОРОВ,
Термиз районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг раиси.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! МЕҲНАТГА КОММУНИСТИК МУНОСАБАТДА БЎЛИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ! ИНТИЗОМ ВА УЮШҚОҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАНГИЗ! ЖАМОАТ МУЛКИНИ МУҚАДДАС БИЛИБ АСРАНГИЗ ВА КУПАЙТИРИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Тошкентдаги асбобсозлик заводида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўндан ортиқ корхоналарда ишлатилади. Халқ назоратчилари маҳсулот сифатини ошириш учун кураш олиб бормоқдалар. Суратда: назоратчилардан (чапдан ўнгга) слесарь Ш. Шоисмонов, корхона партия комитетининг секретари Т. Варавина, сайқал берувчи М. Аҳмедов навбатдаги рейд пайтида.

И. Глауберзон фотоси.

ДОЗОРЛАР ЁРДАМИ

Шаҳрисабз консерва заводи Қашқадарёнинг Карши зонасидаги колхоз ва совхозлардан сабзавот қабул қилиб оладиган бўлганидан кейин анча қийинчилик вужудга келди. Бу зона хўжаликларида етиштирилган «Совға» ва «Тўқ қизил» навли помидорларни узоқ масофага ташиб бўлмас, улар тез эзилиб, сифати бузилар эди.

Мутахассислар бу муаммо устида узоқ бош қотиришди. Айрим кишилар Карши шаҳрида помидорни эзиб атала қилиб берадиган пункт ташкил қилиш зарур, деб ҳам айтишди. Аммо технологлар бу фикрни қувватлашмади. Чунки, эзилган помидорни бир соат ичида завод қабул қилиб олиши, акс ҳолда «атала» ачиб, ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб қолиши мумкин эди. Карши билан Шаҳрисабз ўртасидаги масофа анча олис, автомашина учун икки ярим соатлик йўл эди.

Хўш, бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин?

Бу саволга консерва заводининг Мария Пингукова бошчилик қилаётган халқ контроли дозорлари жавоб топди. Улар Карши зонаси колхоз ва совхозларида «Рома-9», «Штамп», «Малютка» навли помидорларни кўпроқ экишни ҳамда Карши шаҳрида шу ҳосилни қабул қилиб оладиган пункт ташкил этишни таклиф қилдилар. Область халқ контроли комитети халқ дозорларининг бу таклифини маъқуллади.

«Рома-9», «Штамп» ва «Малютка» навли помидорлар бир оз қаттиқ, камсув бўлгани сабабли улар узоқ масофаларга чидамли, ташиш ҳам қулай. Хуштаъмлиги жиҳатидан бошқа навли помидорлардан сира қолишмайди. Карши, Ғузор, Косон, Ульянов районларидаги колхоз ва совхозлар шундай навли помидорларни экиб, кўп даромад олишлари мумкин. Чунки бундай помидорларга бошқа навли помидорларга қараганда 50 процент ортиқча ҳақ тўланади. Бунинг устига улар анча ҳосилдор ҳисобланади. Масалан, «Малютка» навли помидордан ҳар гектар ердан 25-30 тонна ва ундан ҳам ошириб ҳосил олиш мумкин.

Область хўжаликлари ҳисоб-китоб қилиб, бу йил «Малютка», «Рома-9» навли помидорларни кўпроқ экишга қарор қилишди. Ёзги мавсумда эса Шаҳрисабз консерва заводи янги ҳосилдан биринчи марта «Карши томати» деган янги помидор консерваларини ишлаб чиқара бошлайди.

И. ШАЙДУЛИН.

ҲОСИЛ МЕЗОНИ

Эндиликда илғор тажриба ва илм-фан ютуқларини жорий қилган деҳқонгина мўл ҳосил етиштира олади. Область агрохимия лабораторияси районимизди барча колхозларнинг тупроқ составини текшириб, ҳар бир хўжалик учун алоҳида-алоҳида агрохимия картограммаларини тузиб берди. Бу карта агроном ва бригада бошликлари учун тупроққа солинадиган ўғит миқдорини аниқлаб берадиган асосий қўлланмадир. Колхоз ва совхозларда минерал ўғитлар тақсимланаётган пайтда шу картограммаларга қатъий риоя қилинниши, ўғит турлари ҳам далаларга белгиланган миқдорда солиниши лозим. Шундагина мўл ҳосил етиштириш мумкин.

Хўш, амалда шундай бўляптими? Йўқ, «Ленинизм», «Ўзбекистон», «Ленинобод», «Коммунизм», «Правда», «Ленин йўли» колхозларида текшириш ўтказилганида бунинг аксини кўрдик. Айрим бригада далаларига бир ярим-икки ҳисса кўп ўғит солингани ҳолда, баъзи далаларга эса картограммада қайд қилинган миқдорнинг ярми ҳам ажратилаётгани йўқ. «Ленинобод» колхозининг 2-, 4-, 5-, 6- ва 16-бригадаларида ҳар гектар ерга 1000-1300 килограммдан суперфосфат солинган. Бу нормадагидан икки ҳисса кўпдир. 7- ва 8-бригадаларга эса атиги 60—70 килограммдан фосфорли ўғитлар ажратилган. Бош агроном Ф. Тошпўлатов ўғит тақсимоти лайтида иш бошида турмаган, картограммага риоя қилмаган.

«Ўзбекистон» колхозидаги экин майдонларига азотли ўғитлар картограммада қайд қилинган нормадагидан бир ярим марта, фосфорли ўғитлар эса икки марта кўп солинмоқда. Бош агроном И. Отакулов ўғитлардан фойдаланишни қатъий назорат қилиб бормайди. У «ғўза ўзига керакли миқдордаги ўғитнигина қабул қилиб, қолгани тупроққа аралашиб кетади» десалар ҳам қулоқ солмайди. Райондаги хўжаликларда «қанча кўп ўғит солинса, шунча кўп ҳосил олинади» деган гапга ишонадиган мутахассис ва раҳбарлар ҳам бор. Ортиқча ўғит сарфланаётганлиги сабабли, қанчадан-қанча маблағ совурилмоқда.

М. СОБИРОВ,
Охунбобоев район халқ контроли комитетининг раиси.

КУН ТАРТИБИДА:

АЛМАШЛАБ ЭКИШ

НАМАНГАН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бундан уч-тўрт йил аввал Наманган области пахта далаларига вилт касаллиги тарқалган эди. «Оқ палак» экин майдонининг 95 процентини қоплаб олди. Шундан кейин Наманган деҳқонлари энг тўғри йўлни танладилар. Пахтанинг вилтга чидамлилигини оширишда ҳал қилувчи омил — алмашлаб экиш системаси жорий қилинди. Ҳозир барча экин майдонларининг 33 процентида шу усул тўла амалга оширилган. Поп районидаги «Москва», Янгиқўрғон районидаги «Москва», «Фарғона», «Победа» колхозлари ва бошқа бир қатор хўжаликларда алмашлаб экиш тўла жорий қилинди.

Мана, алмашлаб экишнинг илк меваси: пахтанинг ялпи ҳосили тўрт йил ичида 304 минг тоннадан 421 минг тоннага, ҳосилдорлик эса гектар бошига 29 центнердан 31 центнерга етди. Ғалла ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 10 центнердан 29 центнерга, сабзавот— 138 центнердан 185 центнерга, беда — 65 центнердан 115 центнерга кўтарилди. Эндиликда областнинг алмашлаб экиш соҳасидаги тажрибаси бошқа областларда ҳам кенг ўрганилмоқда.

Область халқ контроли органлари ходимларининг яқинда бўлиб ўтган бир кунлик семинар-кенгашида пахта ва чорвачиликни янада ривожлантиришнинг ана шу бош йўлини қатъий давом эттириш ҳамда бу соҳадаги вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш масаласи муҳокама қилинди. Кенгашда область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири М. Мадмусаев, бўлим мудирининг ўринбосари А. Қоримаматов, область халқ контроли комитетининг штатсиз қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Р. Қосимова ўртоқлар колхоз ва совхозларда алмашлаб экишни кенг жорий қилиш ва бу соҳада халқ назоратчиларининг вазифалари тўғрисида доклад қилдилар.

ЭРТА ЭККАН ХИРМОН ҚИЛУР

МАВСУМ ЎТЯПТИ-Ю...

Экиш мавсумининг асосий даври ўтиб бормоқда. Ер қизиняпти, тупроққа тушган чигит тез униб чиқмоқда. Барвақт уруғ эккан деҳқоннинг куздаги хирмони мўл бўлади. Шуни эътиборга олиб, ҳамма ерда тезроқ экишни тугаллаш учун ҳаракат қизиган. Е. Худойбердиев номли совхоз Наманган областидаги энг йирик хўжаликлардан бири. Бу йил совхоз коллективи 3 минг гектар майдонда пахта етиштиради. Ҳар гектар ердан 30 центнердан, жами 9250 тонна «оқ олтин» олишга қарор қилинган. Илғор бўлим ва бригадалар ерга сара уруғ экиб бўлди. С. Худойбердиев, О. Отабоев бошлиқ бригадалар экиш тугаллангани тўғрисида рапорт беришди. Биринчи бўлим далаларида эрта экилган уруғ тўла униб чиқди. Бўлим ишчилари қолган ерларда ҳам экишни тугаллаб, ниҳол кўкарган карталарда парваришга киришиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Совхоз халқ контроли группаси чигит экишнинг графикда белгиланган муддатларда бажарилишини қаттиқ назорат қилиб бормоқда. Рейд ва текширишлар ўтказиб турилибди. Камчиликлар группа йиғилишида муҳокама қилиняпти. Район халқ контроли комитети ўтказган текшириш пайтида ҳам хўжаликда экишнинг суръат ва сифатини янада яхшилаш учун ҳамма имкониятлардан унумли фойдаланилмаётгани қайд қилинди. Масалан, 3-бўлимнинг Қ. Акбаров бошлиқ бригадасида гарчи ер тайёрланган бўлса ҳам экиш жуда суст бажариляпти. Сеялка тез-тез бузилиб турибди. Бригада бошлиғи бош агроном А. Воҳидов ва бўлим бошқарувчиси А. Қосимов ўртоқлардан қўшимча сеялка сўраганида унинг илтимоси қондирилмади. Бош агроном А. Воҳидов иш унумининг пастлигига чигитни янги схема бўйича экиш яхши ўзлаштириб олинмаганлигини сабаб қилиб кўрсатди.

П. Раҳматов бошлиқ 4-бўлимнинг Г. Акбаров, А. Қосимов, Б. Ҳамзаев бошлиқ бригадаларида ҳам сеялкалар ишлашдан кўра кўпроқ туриб қоляпти. А. Қосимов бошлиқ бригадада уч кун давомида фақат 8 гектар ерга чигит ташланган, холос. А. Ражабов бошлиқ бригадада сифат унутилган. Кесаги майдаланмаган ерларга чигит ташланяпти. Бош агроном А. Воҳидов уруғнинг сарфланишини назорат қилиб бормаётир. Натижада жуда кўп чигит ортиқча сарфланяпти. Масалан, М. Розиқов бошлиқ бригадада ҳар гектар ерга нормадаги 120—130 килограмм ўрнига 140—150 килограммдан чигит экиляпти.

Совхозда механизмлардан унумли фойдаланилмаяпти. 48 та сеялкадан 6 таси, 38 та ер тайёрлаш механизмларидан 6 таси ишламай турибди. Куни кеча хўжаликда ҳар бир сеялка ҳисобига фақат 3,7 гектар ерга чигит экилди. 3-бўлимда учта трактор тўхтаб турибди. Сабаби — запас қисмлар йўқ. «Узсельхозтехника» область бирлашмаси раҳбарлари экиш мавсумида агрегатларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаймиз», деган ваъдаларининг уддасидан чиқмаётирлар.

«Эрта эккан хирмон қилур» деган мақол бор. Қимматли дамлар ўтиб бормоқда. Е. Худойбердиев номли совхоз раҳбарлари чигит экиш суръатини янада тезлатишлари зарур.

Ғ. ЮСУПОВ,
Наманган область қишлоқ хўжалик бошқармасининг катта агрономи, область халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил 30 январь сонида «Халқ контроли комитетларида» сарлавҳаси остида босилган мақолада Бухоро шаҳрида меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатишдаги камчиликлар кўрсатилганди.

Улуғ Октябрь 50 йиллиги номли Бухоро таксомотор паркидан олинган жавобда бундай дейилади: мақола таксомотор паркининг коллективи ўртасида муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар тўғри деб эътироф этилди. Меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. 1973 йилда транспортга бўлган 24 минг зарур ва оддий буюртмаларни бажариш, диспетчерлик пунктларининг ишини буюртмаларни нечаси-ю кундузи узлуксиз қабул қиладиган этиб ташкил этиш, Бухоро ип-газлама комбинати районида янги диспетчерлик пункти биноси қуриш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, йўловчиларга хизмат қилиш маданиятини ошириш мақсадида машина ҳайдовчиларнинг семинари ўтказилади. Транспортнинг иши устидан назорат кучайтирилади.

БЎЛДИ ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

Мўмин-қобил

В. Беляков доцент ҳам, профессор ҳам эмас. Илмий унвони ҳам йўқ. У алоқа хизматининг бошлиғи. Аммо, институтда уни каттаю кичик ҳамма танийди. Обрў-эътибор жойида. У бу иззату-икромларга ширингина муомаласи орқали эришган. Ҳар доим кўли кўксида. Тилидан бол томади. Узидан кичикларни ҳам «ака» дейди. «Кўй оғзидан чўп олмаган», шундай беозор, шундай мўмин-қобил одамки, қўяверасиз...

Аммо, «коса тагида ним коса» деганларидек, Беляковнинг ипакдек эшилишида гап бор экан. Эл кўзига беозор кўриниб, киши билмас чўнтак қаппайтириш билан шуғулланиши маълум бўлиб қолди.

— Ўртоқ Беляков, телефонимиз бузилиб қолди, усталарингизни юборсангиз, — Тошкент шаҳридаги 14-поликлиникадан хабар келди.

— Хўп бўлади.

Телефон тузалди. Врачлар хурсанд. Хизмат ҳақини сўрашганида Беляков яна мулойимлик билан жавоб берди:

— Йўғ-е, шундай арзимас ишга хизмат ҳақи? Хафа бўламан дейсизми? Майли, ундоқ бўлса сизларда анови нарса, ҳах, оти нима эди, спирт-чи, ўшандан беш-олти литр...

Ана шундай. Беляков мулойимлик билан иш битиради. Бўлмаса, Тошкент политехника институти кадрлар бўлими ва маъмурияти унинг қилмишларини билиб қолишганда ҳайратланармиди?

Беляков беш йил давомида давлатнинг 3600 сўм пулини ортиқча штатда ишлаган кишиларга бўлиб берди. Хотинини телефонистликка қабул қилиб, маошини ўзи олди. Л. Д. Черних деган кишини ҳам ишга расмийлаштирган бўлди-да, 934 сўмни чўнтагига урди. Ўриндошлик йўли билан ишлаган Г. Зоҳаровнинг улушидан ҳам 726 сўмни мулойимлик билан чеғириб қолди. Институт маъмурияти унинг бу қилмишларини билгач, ўзимизнинг мўмин-қобил одам, деб виговор бериб қўя қолди. Ҳар ҳолда «қўй оғзидан чўп олмаган», деган оти борда. Шундай эмасми?

Р. ҚОДИРОВ.

Йўлбузарлар

Биров йўл тузатади, биров уни бузади. «Яхшидан от, ёмондан дод» қолади. Йўлбузарларнинг дастидан дод деб Б. Вайнтрубга телефон қилавериб, уни жону-ҳолига қўймаётганларнинг сони кўпайиб боряпти. Вайнтруб ким дейсизми? Шуни ҳам билмайсизми? Аввал шуни айтингчи, кўчангиз бузилиб, асфальтлари ўйилиб, лойботқоқ тиззага чиқмайдими? Бузуқ бўлганда Вайнтрубнинг ким эканлигини яхши таниб олардингиз. У 159-қурилиш трести 13-қурилиш бошқармасининг бошлиғи. Бошқарма қаерда уй-жой қурса, шу маҳалла аҳолиси «дод, йўлбузарларнинг дастидан» деб зорланишади. Сезиб олгандирсиз, бошқарма ишлаган ерда албатта йўл бузилади. Мана мисол, Беруний кўчасида ер ости коммуникациялари қурилган ва бу иш 1972 йилда тугалланган эди. Аммо, Б. Вайнтрубнинг топшириғи билан йўл тузатилмай, ўнқир-чўнқирлигича қолди. Бородино кўчасида канализация учун қазилган чуқурлар ҳам кўмилмади.

Тошкент шаҳрида йўлбузарлар «издошлари» ҳам чиқиб турибди. «Средазтрансспецстрой» трестининг 206-қурилиш бошқармаси ўтган йилнинг июлида 2-Олтинкўл проездидан водопровод ва канализация ўтказиш учун 3 минг квадрат метр асфальтни қўпориб ташлаган эди. Иш битди-ю, йўллар тузатилмади. «Союзтелефонстрой» нинг қурилиш-монтаж бошқармаси (бош инженери Н. Арбузов), Узоқов, Қизил тонг, Горький кўчаларида, «Узбекгидроэнергострой» трестининг махсус ишлар бошқармаси (бошқарувчиси Ф. Нагаев) Чиғатой кўчасида, «Водоканал» трестининг водопровод тармоқлари бошқармаси (бошлиғи Раҳимов), Мерсьев кўчасида бир-икки ой ишлаган бўлди-да, асфальтларни кўчириб чуқурлар ўйиб, «биздан қолган ёдгорлик шу» деб кетаверишди. Яқинда ҳисоблаб чиқилди. Ана шундай «эсдалик учун қолдирилган чала ишларни бажариш учун 10200 сўм даркор экан. Хўш, бу пулни ким тўлайди? 13-қурилиш бошқармасими ёки «Средазтрансспецстрой» трестими? Ҳеч ҳамда! Биров йўл тузатади, биров уни бузади. «Яхшидан от, ёмондан дод» қолади.

А. БОТИРОВ.

Чорва ва чўнтак

Чорвачилик — ўта фойдали соҳа. Ундан катта-катта даромад кўраётган колхозлар Денов районида жуда кўп. Энгельс номли колхозда ҳам чорвачилик ривожланиб боряпти. Хўжаликнинг ундан олаётган даромади илгари минг-минг сўмлаб ҳисобланса, энди 10 минг сўмлаб ҳисобланади. Фақат колхознинггина эмас, бу ишни мўмай даромад манбаи қилиб олган баъзи кишиларнинг ҳам чўнтаги қаппайяпти. Н. Холов ана шулардан бири. У ферма мудири бўлиб ишлайди. Мудир бўлганда ҳам обдон маромини олган мудирлардан. Устаси паранг. Айрим қалбаки ишларни ҳамирдан қил суғургандек, киши билмас бажариб ҳам кетаверади. Шундай бажарадики, ҳатто колхоз раҳбарлари ҳам ундан бехабар қолавериш.

Бир мисол: Н. Холов колхозлараро бўрдоқи пунктидан хўжаликка қарашли 19 бош қорамолни олиб, 6 тасини Денов матлубот жамиятининг қушхонасига келтирди-да, қассоб Қ. Тилабовга сўйдириб сотиб юборди. 12 тасини эса ўзимнинг семиртирган молларим, деб тайёрлов идорасига топшириб, жарақ-жарақ пулларни санаб олди. Ҳаммаси 2128 сўм. Бу пул Холовнинг чўнтагига бир кунда тушди. Шундан кейин ҳам чорвачиликнинг ўта фойдали соҳа эканлигига ишонмай кўрингчи! Ҳа, чорвачилик — етти хазинанинг бири. Энгельс номли колхоз раҳбарларининг ҳам фикри ана шундай.

Н. ПЕТРОВ.

ОҚ ТЕПАНИНГ СИРИ

Минерал ўғит дегани нима ўзи?

Бу саволга албатта дон, пахта, сабзавот, мева, қовун-тарвуз, хуллас, ерга уруғ экиб етиштириладиган қандай ҳосил бўлса шу-да, деб жавоб қайтаришингиз турган гап. Кўпам шошаверманг, ўғит дегани яна тоғдек-тоғдек тепалар, қотиб, заранг бўлиб кетган палахса-палахса тошлар, қўяверингчи, оёқ остида топталиб ётадиган уюм-уюм кераксиз чиқиндилар... Йўқ, бу мен ўйлаб топган гаплар эмас. Мирзачўл районидаги 17-совхоз аҳолиси шундай деяпти. Сўзларининг исботи учун пастдаги суратни (чапдан биринчи) ҳам юборишибди.

Совхоз райондаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Баҳорги дала ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Бўлимларда, бригадаларда чигит экишдан аввал уруғга мадад бўлсин деб тупроққа солиш учун минерал ўғит сўрайвериб совхоз директорини безор қилиб юборган кишилар ҳам бўлди. Директор эса елка қисиб «ўғит йўқ, ҳаммаси тақсимлаб берилган», деб уларни қайтарди. Аммо темир йўл ёқасида ёмғир тагида ётавериб, тош бўлиб қотиб қолган уюм-уюм ўғитларни эса ҳатто эсига ҳам олмади. Чунки, деярли яроқсиз бўлиб қолган 6 тонна аммофос, 6 тонна суперфосфат, 20 тонна нитрофос борлигини совхоз раҳбарлари буткул унутиб юборишган. Бу минерал ўғитлар келтирилган пайтда совхоздаги омборхоналар қурилиш материаллари билан банд бўлгани учун директор ўғитларни темир йўл ёқасига туширишга тўғрисида буйруқ берган эди. Бригадалар ўз чекига тушган улушларини улгурганча ташиб олиб кетишди. Аммо анча-мунча ўғит қор-ёмғир остида қолди. Хўжалик раҳбарларининг бепарволиги совхозга 1768 сўм зарар келтирди.

— Буниси ҳали ҳолва, «Главирсовхозстрой»га қарашли Обручеводаги совхозлараро базага боринг, ана ўша ерда кўрасиз ўғитдан ясалган қўлбола тепаларни, — дейишади мирзачўлдагилар.

Бордик. Кўрдик. Оппоқ оқариб ётган ўғит тепалари қуёшда ялт-ялт ёнади. Ҳар бирига 45-50 минг тонна ўғит сиғдирса бўладиган уча омборхона бўла туриб, 6-складда 156 тонна аммиакли селитра ер билан битта қилиб сочиб ташланибди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида келтирилган 124 тонна сульфат аммоний қиш бўйи очиқ ҳавода ётди. 1912 тонна фосфордан антиқа тепа бунёд этилганига март ойида роппа-роса бир йил бўлди. Ҳозир бу «тепа»га на чўкич, на болта ўтади. Уни фақат портлатибгина майдалаш мумкин, холос. Базада шунингдек, 1066 тонна турли хил заҳарли химикатлар ҳам озиқ ҳавода сақланмоқда. Минерал ўғитлар учун қурилган омборхоналар аслида тўрт томони очиқ шийпон бўлиб, қор-ёмғир бемалол ўғитларни ивитаверади (ўнгдаги сурат). Бундай аҳвол на база директорининг ўринбосари Ҳ. Адиқуловни ва на омборхона мудири А. Шодмонқуловни ташвишлантиради. Ташвишланиш қаёқда дейсиз, улар гўё ҳеч нарса бўлмаганидек дўппиларини яримта қилиб юришибди.

Шундай экан, қани айтинг-чи, минерал ўғит дегани нима ўзи? Уни шундай ҳолда ташлаб қўйган кишиларнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин?

Р. ТУРСУНОВ.

АХБОРОТ

ХУШХАБАРЛАР

ПАЗАНДАЛАР ОҚСОҚОЛИ

Мамадамин ака бугун қозон яқинига йўлагани йўқ. Машҳур Самарқанд бозорида жойлашган ошхона ҳўрандалари учун паловни пазанданинг шогирдлари тайёрлашди. Кишининг иштаҳасини очадиган ҳид таратиб турган таомнинг биринчи косасини шогирдлар ўз устозларига олиб келишди. Уша куни бош ошпаз Мамадамин Рафиев учун тантанали кун эди. — У бундан қирқ йил муқаддам ёш самоварчилик пайтида биринчи марта палов дамлаган эди.

Эндиликда шаҳарда кекса ошпазни деярли ҳамма танийди, уни ҳурмат, эҳтиром билан устоз деб аташади. Бу ошхонада бўлишни самарқандликларгина хуш кўриб қолмасдан бу ерга ўзларининг меҳмонларини ҳам таклиф қилишади, М. Рафиев бошчилик қиладётган коммунистик меҳнат бригадаси ҳар куни юзлаб кишиларга таом тайёрлайди. Ширин палов, маза қилиб ичиладиган шўрва, серёг сомсани егандан кейин устага ташаккур айтишади.

Пазанда қирқ йиллик иш мобайнида беш миллиондан ортиқроқ кишига таом улашди. Бу ошхонада Самарқанд паловидан ташқари Бухоро, Фарғона паловини ҳам татиб кўриш мумкин. Мамадамин ака шаҳрда машҳур бу таомнинг 15 хилини тайёрлаш усулини билади. Ошхонада таомлар ҳамиша янгиланиб турилади.

Дарвоқе, пазанда гўшт аралаштирмасдан палов дамлашнинг ўн олти хил усулини ҳам ғамлаб қўйган. Тўғри, у бундай паловни бор йўғи бир марта мухтарам меҳмон учун — Самарқандан ўтиб келаётган Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру учун пиширди. М. Рафиев ўзининг жонажон шаҳрига ташриф буюрган кўпдан-кўп фахрий меҳмонлар учун ўзбек миллий таомларидан тайёрлади. У Франция президенти Жорж Помпидуни, Канада бош министри Пьер Эллеот Трюдони, Иосип Броз Титони ўзи пиширган таом билан меҳмон қилган. Совет космонавтлари Павел Попович, Борис Волинов, Георгий Береговой, Виктор Горбатко, самарқандлик қўли ширин бу уста пазанданинг санъатини муносиб равишда баҳоладилар.

М. Рафиев ўзининг биринчи устози ошпаз Иван Иванович Хадоновни одамларга керакли бу касбкорга меҳр-муҳаббат уйғотганлик учун миннатдорчилик билан эслайди. Миллий ва Европа таомларининг юздан ортиқ хилини пиширишсирларини эгаллаб олган Мамадамин ака эндиликда ўнлаб шогирдлар етиштирди. М. Рафиев — область пазандалар советининг аъзоси. Устага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» ва «Совет савдоси аълочиси» фахрий унвонлари берилган. Рафиев Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

Мамадамин ака аллақачон фарогатга — дам олишга чиқса арзийди. Лекин Самарқанд ошпазларининг оқсоқоли ўзининг иши одамларга қанчалик зарурлигини билади. У ўз ҳаётини ана шу касбкорсиз, ошхонасида ҳар куни ўзи меҳмондўстлик билан кутиб оладиган кишиларсиз тасаввур этолмайди.

С. ФЕНЮТИН, В. ШЕВЦОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

САМАРҚАНД

МАРМАР УСТАХОНАСИ

Гозғон мармарининг шуҳрати ортмоқда. Мамлакатимизнинг қаерида бўлманг, муҳташам бинолар-ни, темир йўл вокзаллари, ёдгорликларни безаб турган Гозғон мармарини кўрасиз. Бу мармар метроларнинг кўрки бўлиб қолди. Шунинг учун унинг истеъмолчилари кўпаймоқда.

Каттақўрғон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати ҳузурида мана шу нодир безак устахонаси очилди. Устахонада мармарга турли шакл бериб кесадиган ва пардозлайдиган янги асбобускуналар ўрнатилди. Ўймакор наққош К. Микалян каби ўнлаб ҳунармандлар аҳоли буюртмаларини сифатли ва ўз вақтида бажаришга эришмоқдалар.

ХОНАДОНЛАРДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Нарпай районидаги «Коммунизм», «Самарқанд», Карл Маркс номли, Киров номли колхозларнинг территорияларида газ қувурлари ётқизилди. Карл Маркс номли колхознинг юздан ортиқ хонадони, правление идораси, клуб, меҳмонхона ва бошқа бинолари газлаштирилди. Бухоро табиий гази нарпайлик деҳқонларнинг уй-рўзғор юмушларини осонлаштиряпти.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ЎЛКАМИЗДА БАҲОР. И. Глауберзон фотоэтюди.

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

БАРАКА ТОП, ХОККЕЙ!

Лужникидаги спорт саройида келган томошабинлар 15 апрель оқшомида трибуналардан тошмасдан чиқиб кетдилар. Гўё улар 1973 йилги хоккей чемпионати билан кўнгил узолмай хайрлашаётгандек эдилар. Жаҳон чемпионининг олтин медаллари бу гал энди 12-бор бизнинг спортчиларимизга насиб бўлди. Мард хоккейчи йигитларимиз ўзларининг муз устидаги голибона мусобақаларини давом эттириб, турнирда ўнинчи бор, бу гал «Тре крунур» командаси устидан ғалаба қилдилар. Маълумки, бу команда мусобақанинг кумуш совринини олишга сазовор бўлди.

...Олдиндан пайғамбарлик қилувчиларнинг чуви чиқди. СССР—Швеция матчининг иккинчи минутидаёқ Третьяк Хедберг йўллаган шайбани дарвозадан олишга мажбур бўлди. Шундан кейин совет терма командаси шиддат билан ўйинга киришди. Мальцев ва Гусевнинг ҳамлаларидан кейин бизнинг хоккейчиларимиз олдинга чиқиб олдилар. Ўйиннинг 27-минутида Третьяк худди футболдагидек ҳужумчиларнинг оёғи остига ташланиб, голни даф этди. Лекин дарвозага бетўхтоб «қалқон» бўлиб туриш ҳатто унинг ҳам қўлидан келмай қолди. Кетма-кет Викстерм ва Стефан Карлссон гол киритадилар. Иккинчи танаффус олдидан Мальцев ўйин нисбатини бизнинг фойдамизга ҳал этди. Ҳисоб 4:3.

Ўйиннинг учинчи бўлимида СССР хоккейчилари ғалабаларини ҳам чемпионга хос ҳужумлар қилишди. Аввалига Петров антиқа бир шайба киритди. Шундан сўнг Михайлов ҳам бир гол киритди. Бу, командамизнинг шу мусобақалардаги 100-шайбаси эди. Бир неча минут ўтгандан кейин билиндики, Михайлов жаҳон биринчилигининг директорати томонидан энг яхши ҳужумчи деб эътироф этилибди.

Муз устида хоккей халқаро лигасининг президенти Жон Ахерн СССР терма командасининг капитани Борис Михайловга кубок топширди. Шундан кейин командамиз ўйинчилари трибуналар ёнидан саф тортиб ўтдилар. Томошабинларга шлёмларини, клюшкаларини, қўлқопларини туҳфа этдилар. Томошабинлар «барака топ, хоккей!», «Баракалла, йигитлар!» деб хитоб қилишди.

...Тошкент театр институтининг студенти Маннон Валиев ҳам хоккейчиларга меҳр-муҳаббатини ажойиб бир тарзда ифодалади. У Лужникига қучоқ-қучоқ лолалар билан кириб келди. Бўлажак санъаткор ана шу лолаларни ўйинчиларимизга тақдим этар экан, санъатқорона хоккей учун уларга миннатдорчилик изҳор этди.

Хоккейчилар томошабинлар билан хайрлашишаркан, «Энди Хельсинкида кўришамиз!», — дейишди. Бир йилдан кейин 1974 йилнинг 30 мартида ана шу шаҳарга энг кучли олтита терма команда тўпланади. Ҳозирги чемпионатда охирги ўринни олган Германия Федератив Республикаси командасининг ўрнига мусобақаларда ГДР терма командаси қатнашади. Бу команда турнирнинг «Б» группасида голиб чиқди.

Реклама ва эълонлар

ҲАЁТНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗ ҲАЁТИНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИ ИСТОВЧИ ГРАЖДАНЛАР ЭЪТИБОРИГА

1973 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ШАХСИЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ ОММАВИЙ ТУРЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН ҲАЁТНИ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ, ЯНАДА ИМТИЁЗЛИРОҚ ШАРТЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ.

Страхованиенинг бу тури бўйича шартномалар турли страхование суммаларига 16 ёшдан 65 ёшгача бўлган гражданлар билан 5, 10, 15 ёки 20 йил муддатга, страхование қилинган киши 70 ёшга етгунга қадар тузилади.

Аралаш страхование шартномаси бўйича страхование ҳодисаси рўй берганда страхование қилинган кишига ёки у тайинлаган кишига шартномада писанда қилинган страхование суммаси тўланади.

Страхование ҳодисаларига қуйидагилар киради: страхование муддатининг тугаши, майиб бўлиш, шикастланиш, ярадор бўлиш, қўл-оёқни синдириш, куйиш, совуқ олдириш, электр токидан зararланиш, қалтис ейиш, тасодифан қаттиқ заҳарланиш, баҳор-ёз энцефалити ёки полиомиелит билан касалланиш, ўлиш натижасида страхование қилинган кишининг меҳнат қобилиятини доимий (тўла ёки қисман) йўқотиши.

Шартнома тузишда страхование қилдирувчи кишининг белгиланган формада ёзиб имзолаган аризаси асос бўлади.

Страхование қилдирувчи киши биринчи страхование бадалини тўлагач, унга страхование гувоҳномаси берилади.

Страхование бадалларининг миқдори страхование суммаси, страхование муддати ва страхование қилдирувчи кишининг ёшига боғлиқ.

Страхование бадаллари бутун страхование муддати мобайнида ҳар бир календарь ой учун, унинг охирги кунидан кечикмай тўланиши лозим. Ойлик страхование бадалининг миқдори «А» тариф жадвали бўйича белгиланади, агарда страхование шартномасига икки баравар оширилган страхование суммаси тўланиши тўғрисида шарт қўйилган бўлса, унда страхование бадали суммасининг ҳар 100 сўмидан атиги 3 тийин ортиқ олинади ва ойлик бадаллар миқдори «Б» тариф жадвали бўйича ҳисобланади.

Масалан, агар страхование қилинувчи киши 500 сўмга шартнома тузиб, бахтсиз воқеа натижасида шикастланган бўлса ва меҳнат қобилиятини йўқотганлиги 20 процентни ташкил қилган бўлса, унда страхование суммасини тўлаш икки баравар оширилади ва 100 сўм эмас, балки 200 сўмни ташкил қилади.

АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕ ШАРТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИНИНГ РАЙОН ИНСПЕКЦИЯСИДАН ЁКИ СТРАХОВАНИЕ АГЕНТИДАН МУФАССАЛРОҚ МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ МУМКИН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«УМАР ҲАЙЁМ ҲАҚИДА ҚИССА»

Георгий Гулианинг янги китоби шундай аталди. Буюк форс шоири, олим ва файласуф Умар Ҳайём ҳақида роман ёзишни ёзувчи қўпдан бўён орзу қиларди. Мана, нихоят, романнинг дастлабки боблари қоғозга тушгач, АПН мухбири Георгий Гулиадан шу асар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Умар Ҳайём — мен энг севган шоирлардан бири. Менингча, ер юзида унинг ижодини билмаган, унинг рубоийларидан завқ олмаган одам бўлмаса керак. Умар Ҳайём шеърлари билан бундан эллик йил муқаддам мени отам таништирган эди. Ушандан буён унинг ажойиб рубоийлари мени ҳаяжонга солиб келди. Ана шу йиллар давомида, айниқса, сўнгги йилларда буюк шоир ҳақида, унинг Исфаҳонда, қадимий Марвда, Нишопурда ўтган ҳаракат ҳақида кўпрок билишга ҳаракат қилдим. Бундан бир неча йил бурун Фанлар академияси нашр этган шоирнинг икки томлик рубоийлари менга айниқса катта ёрдам берди. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, совет шоирларининг ажойиб таржималари туфайли Ҳайём рубоийлари рус тилида қайта-қайта янгради. Сўнгги йилларнинг ўзидаёқ Г. Плиссецкий ва И. Тхаревский таржимасида Умар Ҳайём рубоийлари босилиб чиқди. Шунингдек, Ҳайёмга бағишланган ўнлаб китоб, илмий рисола ва брошюралар нашр этилди.

Мен ўз олдимга, — дея сўзини тугаллади Георгий Гулиа, — Умар Ҳайём образини, ҳаёт мафтуни, инсон ва табиатни жондан севувчи, бутун поэтик фалсафаси шодлик ва инсонпарварлик билан суғорилган донишманд образини яратишни мақсад қилиб қўйганман. Бу роман шоир ва унинг ҳалқи — бундан кўп йиллар бурун ажойиб маданият ёдгорликлари яратган халқ ҳақида ҳикоя қилади.

М. СУМБАТОВ.
(АПН).

ТАВАККАЛДА БИР ГАП БОР

ФЕЛЬЕТОН

Райком бюросидан танқид эшитиб чиққан раис кабинетида пешонасини кафтига қўйиб, ҳаёлга толди. Юрагига туз бўлиб сепилган ўша гапларни яна бир-бир эслай бошлади, кейин тутоқиб кетди.

— Хўш, кимсан, каттакон «Бухоро» колхозининг раиси Абдузоир Абдуқодиров бўласан, ҳўжалик ишини мирдасирига ҳяшш биласан. Шундай бўлгач, нега мени, ваъдани таваккалга, таваккални ваъдага асос қилиб олишнинг антиқа усулини топибди, деб танқид қилишди? Буёғи қандоқ бўларкин? Чамамда, шама қилишдимикин... Чорвачиликда ҳам пахтачиликдагидек революция қилаётган бўлсак... Пўк-йўқ, бу танқидга сира қўшилмайман. Балки... Қани, кечқурун молхоналарни бир айланиб кўрайчи, шунда масала ойдин бўлади-қолади!

У чорвачилик биноларини кўздан кечиргач, сут-товар фермасидаги соғин сигирларга назар солди. Эти суягига ёпишиб кетган, шамолга «пора» бериб аранг турган сигирлар раисни кўриши билан, арзимизни тинглайсизми-йўқми, дегандек бирдан маърашиб юборди.

Абдузоир ака ҳанг-манг бўлиб қолди. Нахотки, охирларида озуқаси бўлмаса? У дарвоза ёнидаги ола сигирнинг ёнига бориб охирга кўз ташлаётган эди, ҳалиги сигир орқа оёғи билан раисни бир тепиб, сузиб юборса бўладими?! Бундан раиснинг қаттиқ жаҳли чиқди.

— Ҳе-е, сигир бўлмай ўл, ҳайвонсан, ҳайвон!!

Абдузоир ака ферма мудирига ўшқирди:

— Сен молларни яхши тарбия қилмабсан. Натижада ҳатто мени ҳам сузадиган бўлибди.

— Молларга тарбия эмас, озуқа керак, озуқа, раис ака! Қишдан-ку бир илож қилиб олиб чиқдик. Энди буёғига нима билан боқамиз? — деди мудир унга савол назари билан, боқаркан.

— Озуқа, озуқа! Бўлди! Бу ҳақда катта режаларни белгилаб, уни амалга оширяпмиз. Катта майдонларга беда ва маккажўхори экяпмиз. Бу, кузда мана шу моллар учун мустаҳкам ем-хашак базаси бўлади, деган сўз! Бу ҳақда бошқа гапира кўрма менга! — раис шундай деди-да, уйига кетди.

У тонгда чўчиб уйғонди. — Қизиқ, нега мени мол тепиб, сузди? Бу тушимми, ўнгимми? Тушим-тушим. Агар ўнгимда сузармиди, нуқул уни зира-пиёз қилардим.

Раис ўзича шу хилда мулоҳаза қилиб идорага келди. Тушида кўрганларини колхознинг бош агрономи Жўрақўл Чориева сўзлаб берди. Шунда Жўрақул мийигида кулиб, раисга деди:

— Тушда мол сузса-ку, ҳечқиси йўқ. Лекин, чорва озуқаси масаласида бир куни бошимизга танқид тошини отишмаса деб қўрқаман.

— Эй, парво қилма, Жўрақул. Бизни танқид қиладиганлари колхоздан пирпирак қилиб юборамиз. Мана, маккажўхори билан бедани экяпмиз-ми, экяпмиз. Таваккалга ваъдани асос қилиб олдикми, олдик. Кузда бир гап бўлар!

Раиснинг гапларида жон бор. Ишда шошма-шошарлик кетмайди-да. Огир тошни сув оқизмас. Ҳар бир ишнинг ўзига ҳос асоси бўлганидек, улар ҳам таваккални асос қилиб олишган. Бу усул ўзини оқлаши шарт. Оқламаса, бир гап бўлади-да. Шундан ҳам ота гўри-ю, қозихонами?

Маккажўхори, беда — чорва озуқаси, халқ бойлиги. Бу экинлар шу билан бирга нон, кўплаб гўшт, серқаймоқ сут, қоракўл тери дегани! Улар буни биладилар-ми, йўқми ўзларига ҳавола. Лекин раис билан агроном ҳар куни эрталаб момоқаймоқсиз нонушта қилишмайди, барра кабобсиз ош ейишмайдику? Шундай экан, улар ўтган йилги аччиқ сабоқлардан хулоса чиқариб олишдими? Йўқ! «Бу йил палон гектарга беда ва маккажўхори экамиз», деб жар солишга солишди-ку, лекин ишлари чалпасига айланиб кетди. Экишнинг энг қулай агротехника муддатлари ўтиб кетаётганига қарамай, эндигина ажратилган майдонларнинг 10—15 гектарига беда ва маккажўхори экишди? Чунки, ғаниматдамларни қўлдан бой бериб билан уларнинг асакалари кетармиди. Ҳадемай ипак қурти, ғўза ва сабзавот парваришн бошланади. Ушанда барча кучни чорва озуқаси экинлари экишни қизитиб юборишга сафарбар қиладилар-да!

Колхоз раиси А. Абдуқодиров, бош агроном Ж. Чориев ўртоқлар маккажўхори ва беда экишчинг кечиқаётганлиги фақат бизнинг ҳўжаликда эмас, райондаги кўпгина колхоз ва совхозларда ҳам содир бўляпти-ку, деб дўппиларини чекка-ларига қўйиб юришибди.

Қоракўл райони ҳўжаликларида бу йил қорамоллар сони 12 минг 500 бошга, қўйлар 100 минг бошга етказилиши керак. Мана шу чорва моллар учун 11 минг тонна сенаж, 600 тонна беда, салкам 40 минг тонна силос тайёрлаш кўзда тутилган. Хўш, мўлжалдаги чорва озуқаси тайёрлаш учун район раҳбарлари қандай тадбирлар белгилашди? Бу ҳақда район қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи Одил Абдиев, унинг ўринбосари, айни пайтда бошқарма бош агрономи вазифасини бажарувчи Тунис Аковировлар огизларини кўпиртириб:

— Маккажўхори ва беда экишларини қачон экиш, қачон тугаллаш ҳақида конкрет муҳлат белгилаб, қулинг ўргилсин график тузиб чиқдик. Уни хўжаликларга тарқатганимизга бир ойдан ошди, — деб жавоб беришади.

График тузилдими, тузилди. Унинг тортмаларда чанг босиб ётгани билан кимнинг нима иши бор. Шунинг учун ҳам район бўйича планда белгиланган 1487 гектар ўрнига ҳозиргача энди 280 гектарга беда, 120 гектар майдонга маккажўхори экилса экилибди-да! Райондаги «Партия XXII съезди», «Ленинград», «Искра», Карл Маркс номли колхозларда маккажўхори ва беда экиш ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилган. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари «ҳали вақт эрта» баҳонаси билан пинакка кетганга ўхшайдилар. Агар иш шу хилда боравера, кузда чорва озуқаси жамғариш плани қандай бажарилади? Буниси ҳам майли. Районда чорва молларнинг туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш-чи? Буни улар ўйлашармикан? Қани, биз ҳам таваккал қилиб турайликчи, берилган ваъдалар бажарилармикан? Ҳа-да, таваккалда бир гап бор...

А. БАҲРОМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— **МОСКВА.** 18.30 — **ТОШКЕНТ.** 18.40 — Биз — Ильич набиралари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Бизнинг суҳбат. 20.20 — Беш йиллликнинг ҳал қилувчи учинчи йили. 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — Ахборот. 21.15 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 21.40 — Ўзбек қуйларидан концерт. 22.30 — «Вақт». 23.00— С. П. Бородининнг ижодий портрети. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — **ТОШКЕНТ.** 11.05 — Қўғирчоқ фильм. 11.30 — Ғалаба кўрсатувлари. 18.30 — **МОСКВА.** 19.10 — Хатларингиз асосида. 19.40 — **Қизил нуқон** (бадиий фильм). 21.10 — Куба Республикаси телевидениеси программаси. 22.30 — Икки қитъа овози (Тошкент). 23.00 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.30 — Ўзбекистон беш йилликда. 20.00 — Телефильм. 20.30 — «Азимут». 21.00 — **Уч бақалоқ** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА. — 17/IV да **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IV да **Йўқолган узук.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Вильнюс» Литва цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

Чардаш маликаси — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 3, 5, кеч соат 7, 9.20 минутда), «ВОСТОК», «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Бомбайлик нуёв — «ЎЗБЕКИСТОН (эрталаб соат 10, кундуз соат 1, 4, кеч соат 7, 9.30 минутда «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч соат 6, 8.45 минутда), «КЎҲҚА» (кундуз соат 12, 2.40, 5.20 ва кеч соат 8 да), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11, кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 8.30 минутда).

Ўйин тўри, қалбим қўри — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Шайтон малайлари; Шайтон малайлари иблис тегирмонида — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 10.10, кундуз соат 2, кеч соат 6, 8.40 минутда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИНИНГ ЎРТА ОСИЕ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ ХОМ АШЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (САИГИМС) 1973 ЙИЛ УЧУН қуйидаги мутахассисликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: петрография, литология ва минералогия; маъданли конлар геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун: маъданли конлар геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш (2); маъданмас конлар геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш; фойдали қазилмалар конларини разведка қилиш техникаси; фойдали қазилмаларни бойитиш; халқ хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш (геология бўйича).

Тўла олий маълумотли, илмий-тадқиқотчилик ишига лаёқатли ва танлаган илмий мутахассислиги бўйича камида икки йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган кишилар қабул қилинади.

Реферат топшириш шарт.

Аризалар 20 майгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 июндан.

Ариза ва тегишли ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент, ГСП, Т. Шевченко кўчаси, 15-ўй, илмий секретарга.

СССР Сув хўжалиги министрлиги қошидаги «ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ «СРЕДАЗГИПРОЦЕЛИНСТРОЙ» ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИГА (Навоий кучаси, 44-ўй, 6-қават)

лойиҳаловчи инженерлар: қурувчилар, саноат-граждан қурилишининг лойиҳаловчи инженерлари, сантехниклар, электриклар, архитекторлар, бош мутахассислар, группа раҳбарлари, махсуслаштирилган бўлимлар катта инженерлари лавозимларида ишлаш учун теплотехниклар

КЕРАК

Ишга қабул қилинган мутахассислар бир-ярим-икки йил мобайнида квартира билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-ўй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ҳузуридаги Ведомстводан ташқари соқчилик бошқармаси коллективи милиция подполковниги Ў. М. Мардиева онаси

Ҳожар **ТУРДИЕВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раҳбарлиги, партия бюроси ва маҳаллий комитети катта консультант И. А. Маҳмудовга онаси

Турдиой **МИРМУМИНОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ФУТБОЛ БУРЧАКДАН ТЕПИЛГАН ТЎПЛАР

Яқинғинада ишқибозлар XXXV чемпионатнинг бошланишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. «Пахтакор»нинг янги мавсумга қандай тайёрланганлиги, олий лигадаги катта акалари билан бўладиган «жангларга» бардош бера оладими ёки йўқми, деган жумбоқ уларни қизиктирарди.

Мана, чемпионатнинг иккинчи тури ҳам орқада қолди. Ўтган шанба куни совет футболининг 16 паҳлавон командаси мамлакат чемпиони деган шарафли номни эгаллаш йўлидаги зинапоянинг иккинчи погонасига кўтарилиш орзусида майдонга тушди. «Пахтакор» командаси биринчи турдаги рақиби — Москва торпедочиларни Олмаота шаҳрига кузатиб, у ердан келган пойтахт динамочилари билан ўз майдонида куч синашди.

Очко ҳар иккала команда учун ҳам совуқ сувдек зарур эди. Фахрли ўринлардан бири учун даъвогар «Динамо» командаси «Қайрат»дан мағлубиятга учрагач, сафардан қуруқ қайтмаслик учун Тошкентда жиддий ўйин кўрсатишга ҳаракат қилиши табиий эди. Пахтакорчилар-чи, наҳотки ўз майдонидаги дастлабки икки учрашувда ҳам муваффақиятсизликка учраса?! Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Тошкентлик футболчилар ана шундай масъулиятни сезган ҳолда майдонга тушдилар.

Учрашув тафсилоти ҳақида батафсил тўхталиб ўтишнинг зарурати бўлмагани учун (телевидение орқали ҳам кўрсатилди) ўйин тақдирини Абдураимовнинг 29 ва 66-минутларда бурчакдан тепган тўплари ҳал қилганлигини айтиб ўтсак кифоя: биринчи тўпни Варюхин дарвозага йўналтираётганда, меҳмонларнинг ҳимоячиси Якубик уни қайтараман, деб ўз дарвозасига киритиб юборди. Иккинчи тўпни эса, Варюхин зарб билан шундай аниқ тепдики, уни қайтариш учун ҳатто моҳир дарвозабон Пильгуй ҳам ожизлик қилиб қолди.

Мавсумнинг бошланиши учун бўлса керак, ҳар иккала команда ўйинчилари тўпларни аниқ оширишда хатоликларга йўл қўйиш билан бирга қўпол ҳаракатлардан ҳам қайтмадилар. Натижада Исҳоқов ва Ҳадзипанагислар жароҳатланиб майдондан чиқиб кетдилар, Басов эса судья томонидан огоҳлантирилди.

«Пахтакор» дастлабки синовларнинг биридан ўтди, лекин жиддий синовлар ҳали олдинда. Команда айрим камчиликларини — ҳимоя чизиғида юз берадиган ноаниқ ҳаракатларни, ўйин охирида ҳужумкорликни сусайтириб, вақт ўтказиш учун жўрттага тўпни бирбирига оширишни йўқотиб сафарга отланиши зарур.

Қолган учрашувларнинг натижалари: «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Киев) — 0:1, «Шахтёр» — «Динамо» (Минск) —1:0, «Днепр» — «Зенит» — 3:1. Иккинчи турнинг тўрт учрашувида дуранг натижа қайд қилиниб, 11 метрлик тўпларгина ўйин тақдирини ҳал қилиб берди: «Қайрат» — «Торпедо», «Арарат» — «Заря», СКА — «Спартак» учрашувларида асосий вақтлар 1:1. «Карпати» — ЦСКА учрашувида 0:0 ҳисобида тугагач, 11 метрлик тўплар тепилгандан сўнг 5:4, 5:4, 7:6, 4:5 ҳисоблари қайд қилинди ва «Қайрат», «Арарат», СКА, ЦСКА командалари биттадан очкога эга бўлдилар.

А. МАЪЗУМОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 90. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 01355.